



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ТИЛ, ТАРЖИМА ВА КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ**

**“АДАБИЁТШУНОСЛИК ВА ИННОВАЦИЯНИ ТАЪЛИМГА ТАДБИҚ
ЭТИШ” МОДУЛИНИНГ**

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А С И

ТОШКЕНТ – 2021

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил _____ даги ___ сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар:

Г.И.Халлиева (ТошДШУ, проф)

Такризчилар:

У.Муҳибова (ТошДШУ, профессор)

Б.Тўраева (УзДЖТУ, доцент)

Ўқув-услубий мажмуа ТошДШУ Кенгашининг 2020 йил 24-декабрдаги 5-сонли мажлиси қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I.	ИШЧИ ДАСТУР	
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	
III.	ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА УЛАРНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР	
IV.	МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ	
V.	ТАҚДИМОТЛАР	
VI.	ГЛОССАРИЙ	
VII.	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	
VIII.	БИТИРУВ ИШЛАРИ МАВЗУЛАРИ	
IX.	ТЕСТ САВОЛЛАРИ	
X.	САВОЛ ЖАВОБЛАР	
XI.	ИНТЕРНЕТ МАНБАЛАРИ	

I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Мазкур дастур ривожланган хорижий давлатларнинг олий таълим соҳасида эришган ютуқлари ҳамда орттирган тажрибалари асосида “ФИЛОЛОГИЯ ВА ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ: ШАРҚ ТИЛЛАРИ йўналиши учун тайёрланган намунавий ўқув режа ҳамда дастур мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

«Адабиётшунослик ва инновацияни таълимга тadbиқ этиш» модули тингловчиларни ҳозирда мавжуд бўлган замонавий педагогик технологиялар билан таништиради, шарқ тилларини ўқитишда ана шу замонавий методлардан маҳорат билан фойдаланиш малакасини шакллантиради. Ҳозирги кунда педагогик технологиялардан ўқув жараёнида фойдаланиш ва ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириш энг муҳим масалалардан бўлиб ҳисобланади. Қитишнинг замонавий усулларида ўринли ва маҳорат билан фойдаланиш ўқув жараёнида ўзлаштиришнинг юқори кўрсаткичларига эришиш имконини яратади..

Модулнинг мақсади ва вазифалари

«Адабиётшунослик ва инновацияни таълимга тadbиқ этиш» **модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини замонавий ўқитиш усуллари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, бу борадаги кўникма ва малакаларини таркиб топтиришдан иборат.

«Адабиётшунослик ва инновацияни таълимга тadbиқ этиш» модулининг вазифалари – педагогик технологияларни ўқув жараёнига жорий этиш; илғор тажрибаларни тadbиқ қилиш, ҳар бир мавзу юзасидан ойдинлаштирилган режаларни тузиш; махсус фанларини ўқитиш жараёнида педагогик технологияларни кўлаш усуллари билан таништириш; тингловчиларда технологик лойиха ва технологик хариталарни тузиш, замонавий методлардан маҳорат билан фойдаланиш малакасини шакллантириш; шарқшунослик соҳасига оид янги методларни ўрганиш ва амалиётга тadbиқ этишга ўргатиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

«Адабиётшунослик ва инновацияни таълимга тадбиқ этиш» модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- замонавий ўқитиш усуллари ва уларни ўз ўрнида қўллаш методларини билиши;

педагогик технология тушунчаси, унинг таърифлари, шарҳлари, мазмунва моҳиятини билиши;

-педагогик технология билан методика орасидаги фарқларни билиши;

-педагогик технологиянинг турлари, асосий йўналишлари ва таснифини билиши;

-дарс модуллари, педагогик технологиядаги модул ва алгоритм тушунчаларини билиши, улардан амалда фойдалана олиши;

-интерфаол таълим, унинг шакллари, асосий мезонларини билиши ва амалда қўллай олиши;

-интерфаол таълим ва тарбия жараёни иштирокчилари, уларнинг вазифаларини билиши ва баҳолай олиши;

-интерфаол машғулот самарадорлигининг педагогик-психологик асослари ва мониторингини олиб бориш йўллари билиши ва амалда қўллай олиши;

-интерфаол дарс модулларини тузиш ва амалда қўллашни билиши;

-муаммоли таълимнинг назарий асосларини билиши;

-дарс жараёнида муаммоли вазиятлар ҳосил қилишни ва уларни ечиш усуллари билиши ва қўллай олиши;

-интерфаол ўқитиш муҳитида ўқувчилар билимини баҳолаш йўллари билиши;

-педагогик жараёнда дўстона муҳит яратиш омилларини билиши;

-илғор педагогик технологияларни амалиётда қўллаб, имитацион ўқув машғулотларини ташкил эта олиши;

-педагогик технологияларни қўллаш жараёнида ишлатиладиган кўргазмали ва таркатма материалларни тайёрлашга қўйиладиган талабларни билиши;

-таълим жараёнини лойиҳалаш, лойиҳа асосида ишлаш методикасини билиши керак.

1. Фаннинг мазмуни.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги “Адабиётшунослик ва инновацияни таълимга тадбиқ этиш” модули мазмуни ўқув режадаги шарқшуносликнинг бошқа модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг бу соҳа буйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг Олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар шарқшунослик соҳасида касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатларга эга бўлиш, илмий-тадқиқотда инновацион фаолият олиб бориш каби касбий компетентликка эга бўладилар

«Адабиётшунослик ва инновацияни таълимга тадбиқ этиш» бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				Мустақил таълим
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			
			Жумладан			
			Жами	Назай		
1.	Таълимда инновация ва инновацион фаолият	2		2		
2	Педагогик технология тушунчаси, унинг таърифлари ва методикадан фарқи.	2		2		
3	Электрон – ахборот таълим ресурслари ҳақида тушунча	2		2		
4	Интерфаол таълим ва унинг шакллари	2			2	
5	Интерфаол таълим ва тарбия жараёни иштирокчилари	2			2	

6	Ўқитувчининг инновацион фаолияти	2			2	
7	Шарқшуносликда илғор таълим технологиялари	2			2	
8	Шарқшуносликда илғор таълим методлари	2			2	
9	Таълимий интернет ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш	2			2	
	Жами: 18 соат	18		6	12	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Таълимда инновация ва инновацион фаолият

Инновацион фаолиятнинг моҳияти ва мазмуни шундан иборатки, талабалар учун таълим соҳасидаги ҳар қандай янгилик ўқитувчи томонидан амалга оширилгандагини юзага чиқади. Яъни, таълим жараёнида талабаларни объектдан субъектга айлантириш, биринчи навбатда, ўқитувчининг касбий компетентлигига боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимиз замонавий юксалишга эришиш мақсадида инновацион ривожланиш босқичига кирганлигини эътироф этилган. “Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни... айнан инновацион ғоялар асосида бошлашимиз керак

2-мавзу: Педагогик технология тушунчаси, унинг таърифлари ва методикадан фарқи.

Педагогик технология турлари. Педагогик технология таърифи ҳақида. Педагогик технология тушунчасининг келиб чиқиши, унинг сабаблари, унга бўлган эҳтиёжлар, унинг кенг кўламли, серқирра тушунча эканлиги. Педагогиктехнологиянинг турли таърифлари, ҳар бир таъриф маълум нуқтаи-назардан ёндашишни ифодалашди. Айрим асосий таърифлар ва уларнинг шарҳлари. Педагогик технология турлари. Педагогик технология кўринишлари.

3-мавзу: Электрон ахборот таълим ресурслари ҳақида тушунча

Компьютер саводхонлиги маданиятнинг муҳим белгиси. Филологик таълимда замонавий ахборот ва коммуникация технологияларининг кенг жорий этилиши. Педагогик таълим жараёнларини замонавий ахборот технологиялари асосида самарали ташкил этиш. Электрон дарслик ва унинг моҳияти. Аудио ва видео дарсликлар, онлайн дарслар, электрон кутубхоналар, тестлар, мультимедиали маърузалар. Интернетдаги электрон дарсликлар. Электрон дарсликлардан фойдаланишда профессор-ўқитувчиларнинг ўқув жараёнидаги ўрни ва роли.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Интерфаол таълим ва унинг шакллари

Интерфаол машғулот турлари ва уларни танлаш, тайёргарлик кўриш жараёни, ўқувчиларнинг интерфаол машғулотда иштирок этиш учун тайёрликларига қўйиладиган талаблар, машғулотда вақтдан унумли фойдаланиш, воситаларни танлаш, тайёрлаш, машғулот ўтказувчилар ва уларнинг вазифалари. Интерфаол методлар билан анъанавий таълим усуллари орасидаги ўзаро фарқлар, қиёсий афзалликлар ва камчиликлар. Янги билимларни бериш, кўникмаларни шакллантириш, ривожлантириш, мустақкамлаш, билимларни такрорлаш, амалда қўллаш машғулотларида ҳамда ўқув фанининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир мавзу бўйича машғулот учун энг мақсадга мувофиқ бўлган интерфаол ёки бошқа методларни тўғри танлаш.

2-мавзу: Интерфаол таълим ва тарбия жараёни иштирокчилари

Интерфаол машғулотлар ўзига хос ташкилий тузилишга эгаллиги, уни ташкил қилиш ва олиб бориш бўйича фаолият турлари, вазифалари Тьютор, фасилитатор, тренер ва бошқа тушунларнинг моҳияти

3-Мавзу: Ўқитувчининг инновацион фаолияти

Инновацион технологиялар ҳақида тушунча. Инновацион технологияларнинг моҳияти ва уларнинг турлари. Педагогик технологияларни туркумлашритиш: қўлланиш даражасига кўра, фалсафий асосига кўра, етакчи омилига кўра, илмий концепциясига кўра, англаш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш турига кўра ва бошқалар.

4-Мавзу Шарқшуносликда илғор таълим технологиялари.

Ҳозирги замон анъанавий таълими Илғор таълим технологияларнинг мазмун – моҳияти. Илғор таълим технологияларининг шакллари. Анъанавий таълимнинг классификацион тамойиллари, анъанавий таълимнинг принциплари, анъанавий таълим мазмуни ва методикаси хусусиятлари, таълимнинг анъанавий шаклининг ижобий ва салбий томонлари.

5-Мавзу .Шарқшуносликда илғор таълим методлари

Илғор таълим методларининг мазмун – моҳияти. Венн, ФСМУ, Синквэн, SWOT, Кейс стади ва бошқа методлар, илғор таълим технологияларининг шакллари. Технологик харита тузиш тамойиллари.

6-мавзу: Таълимий интернет ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш

Интернет (Internet) бутун жаҳон компьютер тармоқлари мажмуи. Веб сайт – бирор бир соҳага, фаолиятга, воқеа ва ходисага бағишланган маълумотлар жамланган интернет саҳифа. Қидирув тизимлари, каталоглар. Ихтисослашган ва миллий ахборот-қидирув тизимлари. Таълимий интернет ресурслари. Ахборот таълим порталлари ва субдоменлар. Вебинарлар ва уларнинг аҳамияти

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модуль бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш)

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Баллар
1	Ассисмент топшириқлари 5 та	2.5	0,5 балл

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонуни. ЎРҚ-630-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. 23.09.2020 йил ЎРҚ- 637-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонуни. ЎРҚ-576-сон.
4. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.2018, 19-20-бетлар.
5. Шумпетер Й. Теория экономического развития. М., Директ-Медиа, 2007. 4.
6. Санто Б. Инновация и глобальный интеллектуализм // Инновации. — 2006. — № 9; 5.
7. Фатхутдинов Р. Инновационный менеджмент. 6-е изд. – СПб.: Питер, 2008.
8. Кондратьев Н.Д. Проблемы экономической динамики. – М.: Экономика, 1989;
9. Инновации: теория, механизм, государственное регулирование: Учебн. пособие /Под ред. Ю.В. Яковца. – М.: РАГС, 2000.
10. Балабанов И. Инновационный менеджмент. Питер, 2001. 11. Канторович Л. Системный анализ и некоторые проблемы научно-технического прогресса. М.:Наука, 1986.
11. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С. А. Педагогик технология асослари: Қўлланма.– Т.:Ўқитувчи, 2004. – 104 б.
12. Гаффаров Э. Инновация, ижтимоий инновация ва инновацион фаолият: илмий-назарий ёндашувлар. НамДУ илмий ахборотномаси. 2019 йил, 10-сон. 153-157 бетлар.
13. Кулагин А. Оценка и самооценка научной организации. Инновационная экономика. 2011 г. Ст. 54-55.

1. Педагогика профессионального образования. Под. ред. В.А.Сластенина. Москва «Академия».2004.
2. «Педагогика» В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шиянов. Москва. «Школьная пресса». 2004.
3. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат.Тошкент.,2003.
4. Фаберман Б.Л,Мусина Р.Г, Жумабоева Ф.А.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари.Т-2002.
5. Авлиёқулов Н. Замонавий ўқитиш технологиялари.Тошкент 2001.й.
6. Беспалько В.П.Слагаемые педагогической технологии.М.:Педагогика 2000г.
7. Селевко С. Современные образовательные технологии. Москва 1998.
8. Хўжаев Н., Мамажонов И. Янги педагогик технологиялар. Маърузалар матни. – Т. 2007.
9. Хўжаев Н., Шарипов Ш. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Маърузалар матни. – Т., 2005.
10. И. Иномов, И. Мамажонов Иқтисодий тарбия назарияси. – Т.: Талаба 2007.
- 11.Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2006.
- 12.Зиёмуҳаммадов Б., Абдуллаева Ш. Илғор педагогик технология: назария ва амалиёт. «Маънавият асослари» дарси асосида ишланган услубий кўлланма. –Т., 2001.
- 13.Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. –Т.: Фан, 2005.
- 14.Хўжаев Н. ва бошқалар. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Фан, 2007.
- 15..Хошимова М. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Т.: ТДИУ. 2007.
- 16.Расулова Ф. Абдуллаева Р. Педагогическая этика. Т.: ТДИУ. 2007.
- 17.Маҳкамов У. Тилабова Н. Касбий маҳорат. Т.: ТДИУ. 2007.
- 18.Тожибоева Д. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Т.: Фан ва технологиялар. 2007.

- 19.Йўлдошев Ж, Хасанов С. Педагогик технологиялар.Т.: —Иқтисод-молия,2009.
- 20.Рахимов Б.Ҳ ва б. Педагогик технологиялар схемаларда. Т.:Фан ва технологиялар, 2009.
- 21.Абдалова С, Мавлянов А. Мустақил таълимни ташкил этиш технологияси.Т.: Фан ва технологиялар, 2009.
- 22.Бекмурадов А.Ш, Голиш Л.В и др. Современные технологии обучения.Т.: ТГЭУ, 2009г.
- 23.Ходжиева К.Н. Проектная технология обучения в вузе. Т.:ТГЭУ, 2009.
24. Х.Авлиякулов,Н.Мусаева Педагогик технология (дарслик) -Т.2012
- 25.Ш.Шодмонова,Р.С.Эргашев Қиёсий педагогика -Т.2005.
- 26.А.Ч.Чориев Педагогик технология ва педагогик маҳорат
- 27.(маърузалар матни)- Қарши 2010.
- 28.Боголюбов В.И. Эволюция педагогических технологий //Школьные технологии - 2004. - № 4.-С.12
- 29.Саидахмедов Н.С. Педагогик амалиётда янги педагогик технологияларни қўллаш намуналари. -Т.: РТМ, 2000.-46 б.

1. Интернет сайтлари

30. www.glef.org.
31. www.newhorizons.org.
32. www.rhecherswithoutborders.org
33. www.thelearningweb.net.
34. www.inetlibrary.com.

Шарқшунослик бўйича электрон таълим ресурслари:

1. <http://orient.rsl.ru/ru/magazine/links/2003/1> - Востоковедческие центры и библиотеки
2. <https://www.hse.ru/ba/oriental/webinar> - вебинары по востоковедению
3. <http://www.orientalstudies.ru/rus/> - Институт восточных рукописей (Санкт-Петербург)
4. <http://www.ivran.ru> – Институт востоковедения РАН (Москва)
5. <http://www.aalib.izum.si/start.asp?wci=detail&lib=67> - сайт библиотеки археологии и ориенталистики университета Венеции.
6. <http://www.rootsweb.com/~bgrwgw/quic.html> - Востоковедческий отдел Болгарской Национальной библиотеки.
7. <http://www.orient.uw.edu.pl> - Сайт факультета восточных языков университета Варшавы.
8. <http://www.owz.uni-halle.de> - Востоковедческий центр в Галле (Германия).
9. <http://www.bl.uk/collections/orientalcollections.html> - Британская ориенталистская библиотека. Неплохой электронный каталог.
10. <http://www.soas.ac.uk/library> - Библиотека старейшей в Европе Школы восточных и азиатских исследований (Лондон).
11. <http://www.easl.org/beasl/be7.html> - Европейская ассоциация синологических библиотек. С линками на синологические библиотеки разных стран.
12. http://www.jnanadoota.org/html/e_research/overview.htm - сайт с электронным каталогом создается ориенталистской библиотекой индийского города Майсур.
13. <http://www.plaza14.mbn.or.jp/~orient/ebuddism.html> - Большое собрание ссылок на материалы по буддизму создали японцы.
14. <http://www.infoshare1.princeton.edu:2003/collections/gest.html> - Восточная библиотека Принстонского университета (США).
15. <http://www.lib.berkeley.edu/EAL> - Восточноазиатская библиотека Калифорнийского университета в Беркли.
16. <http://www.hawaii.edu/asiaref> - Азиатская коллекция Гавайского университета (Гонолулу).
17. <http://www.library.uiuc.edu/ask> - Азиатская библиотека штата Иллинойс.
<http://www.library.wustl.edu/subjects/eastasian/china.html> - Виртуальная библиотека по Китаю и Тайваню на сайте Вашингтонского университета.
18. <http://www.nla.gov.au/asian> - Азиатская коллекция Национальной библиотеки Австралии.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Шарқ адабиётида муаллиф, ҳикоячи ва персонаж нутқини таҳлил қилинг ва ушбу жадвалга туширинг.

S	Эпик турнинг жанрларда муаллиф нутқидан фойдаланишнинг кучли томонлари	Бадиий асарнинг ғоясига бевосита боғлиқ бўлган воқеаларнинг ҳикоя қилиниши
W	Кичик эпик тур жанрларда ҳикоячи нутқидан фойдаланишнинг кучсиз томонлари	Қисқа эпизодларда иштирок этиши
O	Драматик асарларда персонаж нутқидан фойдаланишнинг имкониятлари (ички)	Барча персонажларнинг ўз нутқи диалог ва монолог шаклида берилиши
T	Тўсиқлар (ташқи)	Маълумотларнинг тўлақонли таъминланмаганлиги...

Хулосалаш (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айна пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлил қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу:

ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИЯ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ

РЕЖА:

1. Инновацион фаолиятнинг моҳияти ва мазмуни
2. Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонуни
3. “Инновация” тушунчаси ва таърифлар
4. Олий таълимда инновацион жараёнлар - замонавий билим беришнинг воситаси сифатида

Таянч сўзлар: Инновацион фаолият, Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонуни, “Инновация” тушунчаси, замонавий билим

Иқтисодий нуқтаи назардан замонавий глобаллашув, рақамли иқтисодиёт ҳамда янги Ўзбекистон қуриш шароитида ривожланган мамлакатлар тажрибасида инновацион фаолиятни ташкил қилиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш масаласи нафақат корхона даражасида балки олий таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлаш ҳамда уларнинг инновацион фаолиятини такомиллаштиришга ҳам хизмат қилади. Педагогик нуқтаи назардан эса, замонавий таълим тизимида амалга оширилаётган инновацион жараёнлар, аввало, инсон фаолиятининг барча соҳаларида рақамли технологияларидан фаол фойдаланиш билан боғлиқ ва биринчи навбатда таълимнинг сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилгандир. Шу муносабат билан талабаларнинг касбий инновацион фаолияти тубдан бошқача маъно касб этади.

Инновацион фаолиятнинг моҳияти ва мазмуни шундан иборатки, талабалар учун таълим соҳасидаги ҳар қандай янгилик ўқитувчи томонидан амалга оширилгандагини юзага чиқади. Яъни, таълим жараёнида талабаларни объектдан субъектга айлантириш, биринчи навбатда, ўқитувчининг касбий компетентлигига боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимиз замонавий юксалишга эришиш мақсадида инновацион ривожланиш босқичига кирганлигини эътироф этилган. “Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни... айнан инновацион ғоялар асосида бошлашимиз керак. Инновацион ривожланиш ва рақамли иқтисодиёт йўлига ўтишимиз бежиз эмас. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган

хозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади.”

“Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастурида назарда тутилган тегишли ҳуқуқий заминни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг **“Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонуни**нинг қабул қилиниши (2020 йил 24 июль) янги Ўзбекистонни куришда муҳим қадам бўлди. Ушбу қонун тараққиётимизни кафолатловчи, уни янада жадаллаштирувчи янги ғоя, янги кашфиётлар, илмий ишланмаларни яратиш ҳамда ҳаётга жорий этилишининг ишочли ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлаб бениҳоя муҳим аҳамият касб этади. Мавзуга оид адабиётлар таҳлили Ўзбекистон Республикасининг **“Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонуни**да “инновация” ва “инновацион фаолият”га қуйидагича таъриф берилган: “инновация – фуқаролик муомаласига киритилган ёки шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланиладиган, қўлланилиши амалиётда катта ижтимоий-иқтисодий самарага эришишни таъминлайдиган янги ишланма”, “инновацион фаолият – янги янги ишланмаларни ташкил этиш, шунингдек ишлаб чиқариш соҳасида уларнинг ўтказилиши ва амалга оширилишини таъминлаш бўйича фаолият” деб, таъриф берилган [1].

“Инновация” тушунчаси ўзининг янги ҳаётини “инновацион комбинациялар”ни таҳлил қилиш, иқтисодий тизимларнинг ривожланишидаги ўзгаришлар натижасида ХХ-асрнинг бошида Австриялик иқтисодчи Шумпетернинг илмий ишларида бошлаган. Шумпетер 1900-йилларда иқтисодда ушбу терминни илмий қўллашга киритган дастлабки олимлардан ҳисобланади. Ўзининг “ижодий ҳалокат” назарияси асосида инновацион жараёнларни ўрганиб чиқди ва тадбиркорларнинг фаолиятини янги маҳсулот ва хизматларни яратишда мавжуд нарсалардан фойдаланишни бошқа замонавий усуллар сифатида кўриб чиқишни таклиф қилди [5]. Инглиз профессори В.Р. Спенсер “Инновация – бу аниқ вазиятда мутлақо янги нарса, биз буни англаганимизда фойдаланишимиз мумкин” [9] деб таъриф беради. Россиялик олимлар А.Кулагин “Инновация – бу инновацион, ишлаб чиқариш, институционал молиявий, илмий-техник ва бошқа соҳалардаги янгиликдир” [14] деб таъриф берадилар. Д.Форининг “инновацион имкониятлар - бу мунтазам равишда комбинациялашган билимларни кашф қилиш, улардан фойдаланиш демакдир. Бунда комбинациялашган жараёнларда асосий эътибор бериладиган жиҳат – бу билимдир” [9] деб таъкидлайди. И.Балабанов “Инновация-капитални янги техника ёки технологияга, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, меҳнат, хизмат кўрсатиш ва бошқарувнинг янги шаклларига, жумладан, янгича назорат ва ҳисоб шакллари, режалаштириш ва таҳлил усулларига киритишдан олинган, моддий тус олган натижадир” [10] деб таърифлаган Ж.Йўлдошев “инновация (инглиз тилидан олинган “Innovation” янгилик киритиш) - тизим

ички тузилишни ўзгартириш амалиёт ва назариянинг асосий қисми”, инновацион фаолият эса, “янги ижтимоий талаблар билан аънавий меъёрларнинг мос келмаслиги. Амалиётнинг янгиланаётган меъёрларни мавжуд меъёрлар билан тўқнашуви натижасида вужудга келган мажмуали муоммаларни ечишига қаратилган фаолият” [2] деб таъкидлайди. Тадқиқотчи Э.Ғаффаров “Инновация – бу ихтиронинг амалий аҳамиятини ажратиб кўрсатиш ва уни муваффақиятини таъминловчи янгиликдир” [11] деб таъриф берган.

Олий таълимда инновацион жараёнлар - замонавий билим беришнинг воситаси сифатида

Кенг кўламли ислохотларнинг муҳим бўғини – инновациялар ҳам бугун ҳар бир соҳада бўлгани каби олий таълим тизимида ҳам ўзининг афзалликларини намойиш қилмоқда. Олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш мақсадида ҳукуматимиз тамонидан қабул қилинган бир қатор меъёрий ҳужжатларда энг муҳим бўлган бир қатор вазифалар белгиланган. Хусусан, ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш, ўқув-педагогик фаолиятга, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш, уларнинг базасида тизимли асосда республикамиз олий таълим муассасалари магистрант, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларининг стажировка ўташларини, профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш ана шулар жумласидандир. Айтиш мумкинки, бу вазифалар ҳар бир профессор ўқитувчидан ижодкорлик ва изланувчанликни талаб этади

Таълим тизимида кириб келаётган инновациялар долзарб, муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мазкур тизимда шаклланаётган янгича ёндашув ҳисобланади. Улар ташаббуслар ва янгиликлар асосида туғилиб, таълим мазмунини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади ҳамда олий таълим тизими ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, таълим тизимидаги ҳар қандай янгилик инновация бўла олмайди.

Таълимдаги инновациянинг энг катта ютуқларидан бири-бу инновацияларнинг таълим сифати ва самарадорлигини оширишга ёрдам бериши, фанлар мазмунини осон етказиб бера олиши, қабул қилиш жараёнидаги енгилликлари, инновацияларни билимни беҳато ва янги ресурслардан фойдаланиб тўлиқ етказиб бера олиши билан изоҳланади. тўлиқ тушунчага эга бўлмай қоладилар Бугунги кунда олий таълим тизимида замонавий педагогик технологияларни қўллаш самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги методик вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш мақсадга

мувофикдир: 1) профессор-ўқитувчилар “интерфаол метод”, “стратегия”, “технология” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини аниқ тушуниб олишлари лозим. Мазкур тушунчаларнинг моҳиятини тўғри англай олмаслик уларни қўллашда кўплаб методик қийинчиликларни юзага келтиради. Олий таълимда асосий эътибор ўқитиш жараёнини лойиҳалаш (технологик модел) ва режалаштириш (технологик харита)га, яъни технологизацияга қаратилиши керак; 2) олий таълимда фанларни ўқитиш жараёнида интерфаол методлардан фойдаланишда методик қоидалар ва кўрсатмаларга риоя қилиниши керак. Аниқ методик кўрсатмаларга риоя этиш орқали интерфаол методларни самарали қўллаш имконияти юзага келади. Бу эса таълим сифатининг ошишига хизмат қилади; 3) педагогика малака ошириш тармоқ марказида “Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат” модулини ўқитишда асосий эътиборни профессор-ўқитувчиларни ўқитиш жараёнини лойиҳалаш ва режалаштира олиш кўникма ҳамда малакаларини ривожлантиришга қаратилиши лозим; 4) фанлар бўйича таълим технологияларини яратишда хилма-хиллик, ижодийлик, инновацион ёндашувларга асосланиш, бир қолипга тушиб қолишдан сақланиш мақсадга мувофиқ. Мазкур жараёнда фанларнинг, машғулот шакллари, мавзуларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш ўринли бўлади; 5) олий таълим муассасаларида “Инновацион марказ” фаолиятини йўлга қўйиш, мазкур марказ куч ва имкониятларидан профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, илғор педагогик технологияларни кенг жорий этиш мақсадида фойдаланиш эҳтиёжи мавжуд. Таълимга инновациялар кириб келиши диалектик тавсифга эга бўлгани учун ҳам янгиликларни яратиш, жорий этиш, ўзлаштириш ва амалиётга татбиқ этишга доир вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга хизмат қилувчи инновацион марказ фаолиятини йўлга қўйиш ҳар жиҳатдан самарали бўлади. Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни татбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, талабаларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига татбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонуни. ЎРҚ-630-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. 23.09.2020 йил ЎРҚ- 637-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонуни. ЎРҚ-576-сон.
4. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.2018, 19-20-бетлар.

5. Шумпетер Й. Теория экономического развития. М., Директ-Медиа, 2007.
- 4.
6. Санто Б. Инновация и глобальный интеллектуализм // Инновации. — 2006. — № 9; 5.
7. Фатхутдинов Р. Инновационный менеджмент. 6-е изд. – СПб.: Питер, 2008.
8. Кондратьев Н.Д. Проблемы экономической динамики. – М.: Экономика, 1989;
9. Инновации: теория, механизм, государственное регулирование: Учебн. пособие /Под ред. Ю.В. Яковца. – М.: РАГС, 2000.
10. Балабанов И. Инновационный менеджмент. Питер, 2001.
11. Канторович Л. Ситемний анализ и некторие проблемы научно-технического прогресса. М.:Наука, 1986.
12. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С. А. Педагогик технология асослари: Қўлланма.– Т.:Ўқитувчи, 2004. – 104 б.
13. Гаффаров Э. Инновация, ижтимоий инновация ва инновацион фаолият: илмий-назарий ёндашувлар. НамДУ илмий ахборотномаси. 2019 йил, 10-сон. 153-157 бетлар.
14. Кулагин А. Оценка и самооценка научной организации. Инновационная экономика. 2011 г. Ст. 54-55.

2-мавз: Педагогик технология тушунчаси, унинг таърифлари ва методикадан фарқи

Режа:

- 1.1. Педагогик технология ҳақида тушунча**
- 1.2. Педагогик даврлар ва технологиялар ривожланиши тарихи**
- 1.3. XX асрда педагогик технологияларнинг ривожланиши**
- 1.4. Ривожланган мамлакатларда педагогик технологиялар марказлари**
- 1.5. Педагогик технология билан методика орасидаги фарқ.**

Таянч сўзлар: педагогик технология, таърифлар, методика, замонавий методлар, илмий- техник тараққиёт

1.1. Педагогик технология ҳақида тушунча

Илмий техник тараққиёт XX аср охирига келиб фақатгина кўплаб ишлаб чиқариш соҳаларини технологиялаштиришга сабаб бўлиб қолмай, балки маданият соҳасига, билимлар гуманитар соҳаларига ҳам кириб келди. Бугунги кунда биз энди ахборот, тиббиёт технологиялари ҳақида гапирамиз, шу жумладан таълим соҳасида ҳам. Педагогик технология деб одатда мақсади таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш, таълимда кўзланган натижаларга эришишга бўлган педагогиканинг йўналишига айтилади(М. Кларин, 1989).

“Педагогик технология” сўз бирлиги– бу инглизча “an educational technology” – “таълим технологияси” иборасининг аниқ бўлмаган таржимасидир. “Педагогик технология” тушунчаси охириги пайтларда ўқитиш назариясида янада кенгроқ қўлланилмоқда. Айнан “технология” термини ва унинг “ўқитиш технологияси”, “таълим технологияси”, “таълимда технология” каби шаклларига педагогик адабиётларда 300 дан ортиқ таърифлар берилган.

“Педагогик технология” термини биринчи марта педагогика бўйича ишларда XX асрнинг 20-йилларида тилга олинган. Ҳозирги кунда педагогик технология тушунчасида турлича ифодалашлар мавжуд.

1. Технология – бу бир ишда, маҳоратда, санъатда қўлланиладиган услублар тўпламидир(изоҳли луғат).
2. Педагогик технология – бу ўқув жараёнини амалга оширишнинг техникасидир(В.П. Беспалько).
3. Педагогик технология – бу ўқитишда режалаштирилган натижаларга эришиш жараёнини тасвирлашдир(И.П. Волков).
4. Педагогик технология – бу ўқитиш, тарбиявий воситалар, шакллари, методлари, усул, услубларининг махсус тўплами ва тузилишини белгиловчи психологик-педагогик кўрсатмалар йиғиндиси, у педагогик жараённинг ташкилий методик қуроли демакдир(Б.Т. Лихачев).
5. Педагогик технология – бу таълим шаклларини оптималлаштириш масалани кўювчи, техник ва инсоний имкониятларни ва уларнинг ўзаро муносабатларини ҳисобга олиб ўқитиш ва билимлар ўзлаштириш бутун жараёнини яратиш, қўллаш ва белгилашга системали ёндашишидир(ЮНЕСКО).
6. Технология – бу санъат, маҳорат, мохирлик, ишлаб чиқиш методлари тўплами, ҳолатини ўзгартиришдир(В.М. Шепель).
7. Ўқитиш технологияси- бу ўқувчилар ва ўқитувчилар учун сўзсиз қулай шароитлар яратиб бериш учун ўқув жараёнини лойиҳалаштириш, ташкил этиш ва олиб бориш бўйича ҳар томонлама ўйлаб чиқилган ҳамкорликдаги педагогик фаолият моделидир(В.М. Монахов).
8. Педагогик технология – бу педагогикада фикрлашнинг системали усулидир(Т. Сакамото).
9. Педагогик технология– ўқув жараёнининг ташкилий шакли, методлари, мазмунини ўзгартирувчи унинг ривожланиш системасидир (Э. Бистереки ва Ж. Целлер).
10. Педагогик технология - педагогик мақсадларга эришиш учун

фойдаланиладиган ҳамма шахсий, инструментал ва методологик воситалар системали тўплами ва ишлатилиши тартибини билдиради(М.В. Кларин).

11. Педагогик технология – бу таълим мақсадига эришишга қаратилган ўқитувчи ва ўқувчининг фаолиятини системали, концептуал, қоидали, объективлаштирилган, инвариант тасвирлашдир(Ф.А. Фрадкин).

12. Педагогик технология билимларни эгаллашда режалаштириш, бошқариш ва таъминлашни таҳлил қилиш учун фаолиятни ташкил этиш усулини, одамлар, ғоялар, воситаларни ўз ичига олувчи комплекс интеграл жараён демақдир (Педагогик коммуникациялар ва технологиялар бўйича АҚШ ассоциацияси).

1.2. Педагогик даврлар ва технологияларнинг ривожланиш тарихи

Педагогика фани тарихидан кўриниб турибдики ўқитиш ва кадрлар тайёрлашнинг янада мукаммал методларини ва усулларини излаш доимий давом этиб келган. Ўқитиш – бу жамият тараққиёти учун самараси педагогнинг фаолияти яқунланиши билан дархол кўринмаса ҳам ҳар қандай бошқа фаолият каби ишлаб чиқариш фаолиятидир. Жамият тарихида иқтисодий даврлар фақатгина нималар ишлаб чиқарилиши, ким томонидан қанча ишлаб чиқарилиши, меҳнатнинг қайси воситалари билан ишлаб чиқарилиши қараб фарқ қилмайди. Ана шу нуқтаи назардан биз ижтимоий тарихда мавжуд бўлган “педагогик даврларни” кўриб чиқамиз:

I. Индивидуал педагог, қўл билан ишлайдиган педагогнинг педагогик фаолияти даври(қадимги даврлардан бошлаб XVII асргача);

II. Ёзув китоби даври(XVII асрдан ҳозирги давргача);

III. Аудиовизуал воситалар даври(XX асрнинг50-йиллари).

IV. Ўқитишни бошқаришни автоматлаштириш оддий воситалари даври (XX асрнинг70-йиллари).

V. Замонавий ҳисоблаш машиналари асосида таълимни бошқаришни автоматлаштиришда адаптив воситалар даври (XX аср охири компьютерда ўқитиш).

1.3. XX асрда педагогик технологияларнинг ривожланиши XX аср охирига келиб илмий-техник тараққиёт фақатгина ишлаб чиқаришни технологиялаштиришга олиб келиб қолмай, балки маданият доираси, билимлар гуманитар соҳаларига ҳам кескин кириб келди.

“Технология” тушунчаси техник тараққиёт сабабли юзага келди ва луғатлар талқини бўйича (techne санъат, хунар, фан; логос – тушунча, таълимот) материалларга ишлов бериш усуллари ва воситалари ҳақидаги билимлар тўплами демақдир. Технология шу билан бирга жараённи билиш санъатини ҳам ўз ичигаолади. Технологик жараён ҳар доим

зарур воситалар ва шароитлардан фойдаланиш билан операциялар маълум кетма-кетлигини кўзда тутди. Технология процессуал мазмунда “қандай қилиб, нимадан ва қайси воситалар билан бажариш керак?” деган саволга жавоб беради. XX асрнинг 20-йилларида “педагогик технология” термини биринчи бор педагогика бўйича асарларда тилга олинган. Шу вақтнинг ўзида яна бир бошқа – “педагогик техника” термини ҳам тарқалди. У педагогик энциклопедияда 30-йилларда ўқув машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга қаратилган услублар ва воситалар сифатида ифодаланган. Педагогик технологияларга ўқув ва лаборатория ускуналари билан ишлаш, кўргазмали қўлланмалардан фойдаланиш маҳоратлари ҳам киритилган. 60-йиллар ўрталарида бу тушунчанинг мазмуни чет элларда педагогик нашрларда ва халқаро конференцияларда кенг муҳокама этилди, натижада ушбу соҳада турли мамлакатларда (АҚШ, Англия, Япония, Франция, Италия, Венгрия) уни талқин қилиш икки йўналиши белгиланди.

Биринчи йўналиш тарафдорлари техник воситалар ва дастурлаштирилган ўқитиш воситаларини қўллаш зарурлигини таъкидладилар (technology in education).

Иккинчи йўналиш тарафдорлари эса ўқув жараёнини ташкил этиш самарадорлигини ошириш ва педагогик ғояларнинг техниканинг кескин ривожланишидан ортда қолишини йўқотишни муҳим деб ҳисобладилар. Шундай қилиб 1-йўналиш “Ўқитишда техник воситалар” сифатида белгиланди, биров кейинроқ юзага келган 2-йўналиш “ўқитиш технологияси” ёки “ўқув жараёни технологияси” сифатида белгиланди.

70-йилларнинг бошларида турли хилдаги ўқув ускуналарини ва ўқув воситаларини модернизациялаштириш зарурлиги англаб етилди. Буларсиз ўқитишнинг сифатлилиги ва самарадорлигига эришиб бўлмас эди.

60-йиллар ўрталари ва 70-йилларнинг бошларида АҚШ, Англия, Япония, Италия каби юксак ривожланган давлатларда педагогик технологиялар масалалари билан шуғуллануви журналлар нашр этила бошланди, кейинчалик бу муаммо билан ихтисослаштирилган ташкилотлар ва марказлар шуғуллана бошлайди.

1.4. Ривожланган мамлакатларда педагогик технологиялар марказлари АҚШда 1971 йил – “Педагогик коммуникациялар ва технологиялар бўйича

АҚШ Ассоциацияси” тузилди. Ҳозирги кунда мамлакат бўйлаб ва Канадада бу кенгашнинг 50 та филиаллари иш олиб бормоқда. АҚШ да 1961 йилда “Педагогик технология” журнали (Educational Technology), 1971 йилда эса – “Аудиовизуал ўқитиш” журнали нашр этила бошланди.

Англияда 1967 йил - Педагогик технология бўйича Миллий кенгаш 1964 йилдан бошлаб “Педагогик технология ва ўқитишни дастурлаштириш” (Educational Technology programmed learning) журналини, 1971 йилда – “Педагогик технология” журналини нашр эта бошлади.

Японияда - Педагогик технологиялар муаммолари билан 4 та илмий

ташкilotлар шуғулланади. 1967 йилда “Педагогик технологиялар бўйича Миллий кенгаш” ташкил этилди, унинг филиаллари 22 та давлат университетларида жойлаштирилган. 1965 йилдан бошлаб Япон тилида хар уч ойда “Педагогик технология” журнали ва инглиз тилида йилига икки марта “Педагогик технологиялар соҳасида тадқиқотлар” журнали нашр этилади. Яқинда “Педагогик технологиялар бўйича умумяпон Марказий кенгаши” ташкил этилди, у муаммолар бўйича халқаро алоқалар ўрнатиш билан ҳам шуғулланади.

Италияда – 1971 йили педагогик технологиялар бўйича Миллий марказ ташкил этилди ва “Педагогик технологиялар” журнали нашр этилади. Венгрияда- 1973 йили ўқитиш технологияси Давлат Маркази ташкил этилди. Ўқитиш технологияси бўйича Халқаро семинарда (Будапешт, 1977) олим С.Г. Шаповаленко ўқитиш жараёнининг учта технологик принципларини кўрсатди:

1. Билим ва техникани мукамал эгаллаш.
2. аудиовизуал материаллари фонди билан танишиш.
3. Улардан самарали фойдаланиш методикасини билиш, шу жумладан ижодий ёндошиши ривожланиши ҳам.

Венгрия олими Л. Салаи “ўқитиш технологияси” тушунчасига режалаштириш, мақсадларни таҳлил қилиш, ўқув-тарбиявий ишлар жараёнини илмий ташкил этиш, самарадорлигини ошириш мақсадида энг муҳим восита ва материалларни танлашни киритиб ўқитиш жараёнини ташкил этувчиларни доирасини анча кенгайтди. Э. Бистерски ва Ж. Целлерлар (АҚШ) тўпланган маълумотлар бўйича ўқитиш техникаси фақатгина ёрдамчи восита ва янги системадан иборат бўлибгина қолмай, балки ўқиш жараёни ташкилий шаклини, методи ва мазмунини ўзгартириб унинг ривожланишида катта рол ўйнади. Бу эса ўз навбатида ўқитувчилар ва ўқувчиларни педагогик фикрлашларига катта таъсир кўрсатди.

Россия XX асрнинг 90-йилларида педагогик технологиялар бўйича Марказ ташкил этилди, “Мактаб технологияси”, “Таълимда инновациялар” журналлари нашр этилади.

Ўзбекистон 1997 йили кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилингандан бошлаб таълим тизимида, педагогик нашрларда педагогик технологиялар муаммолари долзарб тадқиқотчилик объектлари сифатида кўтарила бошланди.

1999 йилда Республика таълим Маркази қошида педагогик технологиялар бўйича Марказ ташкил этилди. “Таълим технологиялари”, “Таълим муаммолари” каби журналлар нашр этила бошланди, педагогик технологиялар муаммолари бўйича мақолалар “Халқ таълими”, “Педагогик таълим”, “Таълим ва тарбия” журналларида, “Маърифат”, “Ўқитувчилар газетаси” ва бошқа илмий-педагогик нашрларда босилиб чиқарилмоқда.

1994 йили педагогик технологиялар муаммолари бўйича 1-Республика илмий-назарий конференцияси ўтказилди, маърузалар ва ҳисоботлар материаллари махсус тўпланда чоп этилди.

Педагог-олимлар У. Нишоналиев, Н.С. Саидахмедов, Н.Н. Азизходжаева, Зия-мухаммедов, У. Толипов, Б.Л. Фарберман ва бошқалар Республикада педагогик технологиялар муаммолари бўйича жиддий тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

1.5 Педагогик технологияни методикадан фарқи

Ҳозирги кунда педагогик технология ҳақидаги аниқ тушунча ва тасаввурлар юрган бўлсада, уни хусусий методикалар билан тенглаштириш ҳоллари учрайди.

Аслида эса улар орасида жиддий фарқлар мавжуд бўлиб, қуйида улар ҳақида қисқача баён қилинади.

Педагогик технология – ўқувчини мустақил ўқишга, билим олишга, фикрлашга ўргатишни кафолатлайдиган жараёндир.

Методика – ўқитувчининг билими, кўникмаси маҳорати, шахсий сифатлари, темпераментига боғлиқ бўлиб, маълум шахс ўқитувчи учун қулай бўлган ўқитиш усуллари ва йўллари мажмуадир. У алоҳида методикаларга ажратилади. Педагогика фани маълум ўқув фанларини ўқитиш қонуниятларини тадқиқ қилади. Масалан, тиллар методикаси, арифметика методикаси ва шу кабилар.

Методиканинг педагогик технологиядан фарқини тушуниш ва амалда ҳар иккисидан унумли фойдалана билиш талаб этилади. “Педагогик технология” тушунчаси хусусий фанлар ва маҳаллий даражалардаги ўқитиш методикалари тушунчасу билан мос келадиган ҳоллар хусусий даражадаги педагогик технологияларга тегишли.

Технологияларда кўпроқ процессуал, миқдорий ва ҳисоб-китоб компонентлари ифодаланса, методикаларда мақсад, мазмун, сифат ва вариантли йўналтирувчи томонлари кўпроқ ифодаланadi. Технология методикалардан ўзининг қайта тикланувчанлиги, натижаларининг турғунлиги, кўплаб “агар”лар(агар ўқитувчи истеъдодли, агар болалар қобилиятли бўлса, агар яхши ота-оналар бўлса....) йўқлиги билан фарқ қилади. Яъни технология тегишли тайёргарликка эга бўлган ҳамма мутахасислар томонидан қайта тиклаш ва қўллаш мумкинлиги билан жуда ҳам индивидуал бўлган методдан фарқ қилади.

Метод – бирор ҳаракатни амалга ошириш йўли, усули ёки кўринишидан иборат.

Педагогик технология ўқув жараёни (яъни ўқитувчининг ўқувчининг фаолияти билан), унинг таркиби, воситалари, усуллари ва шакллари билан энг кўп даражада боғланган.

Педтехнология стандартларни тўла ўзлаштиришни, сифат даражасини кафолатидир

Педагогик технология ўқув жараёнининг шундай лойиҳасини у бир киши ёки бирор ижодий гуруҳ томонидан ишлаб чиқилади, ундан барча ўқитувчилар фойдалана оладилар.

Ўқувчи ўқитилмайди– уни мустақил мутолаа қилишга ўргатилади.

Ўқувчига билимлар тайёр ҳолда берилмайди, унга билимларни манбаалардан мустақил ола билишга, фикрлай олиш, мустақил позицияда тура олишга ўргатилади.

Барча ўқувчиларни ўз қобилиятлари эҳтиёжлари даражасида албатта ўзлаштириб олишлари кафолатланади.

3-мавзу: Электрон ахборот таълим ресурслари ҳақида тушунча

Режа:

- 1.1. Компьютер саводхонлиги маданиятнинг муҳим белгиси.**
- 1.2. Замонавий ахборот технологияларининг таълим жараёнига жорий этилиши.**
- 1.3. Электрон ахборот таълим ресурсининг асосий ташкил этувчилари**
- 1.4. Электрон дарслик ва унинг моҳияти.**

Таянч сўзлар: *инновация, замонавий ахборот воситалари, ахборот технологиялари, электрон дарслик, онлайн дарслар, интерфейс.*

1.1. Компьютер саводхонлиги маданиятнинг муҳим белгиси

Технологиянинг ривожланиши билан техник воситалардан фойдаланиб ўқитиш учун биргина компьютернинг мавжудлиги кифоя бўлиб қолди. Авваллари телевизор, видео ва аудио технологиялари, видеопроектор, диапроектор ва бошқалар бажарган функцияларни компьютер муваффақият билан ўз зиммасига олди. Қолаверса, ахборотни узатиш, сақлаш, тасвирлаш сифати сезиларли даражада ортди.

Ҳозирги кунга келиб, компьютер саводхонлиги маданиятнинг муҳим белгисига айланиб улгурди, келажакда эса у ҳар бир инсонга қаерда, қайси участкада ишламасин заруратга айланади.

Замонавий ахборот технологияларининг *воситалари* қаторига: компьютер, сканер, видеокўз, видеокамера, ЛСД проектор, интерактив электрон доска, факс модем, телефон, электрон почта, мультимедиа воситалари, Интернет ва Интранет тармоқлари, мобиль алоқа тизимлари, маълумотлар омборини бошқариш тизимлари, сунъий интеллект тизимларини киритиш мумкин.



Ахборот технологияси воситалари муайян амалларни онгли ва режали амалга оширишда ўзлаштирилади. Бу жараён қуйидагиларни ўз ичига олади:

- компьютер, шунингдек, принтер, модем, микрофон ва овоз эшиттириш қурилмаси, сканер, рақамли видеокамера, мультимедиа проектори, чизиш планшети, мусиқали клавиатура кабилар ҳамда уларнинг дастурий таъминоти.

Ахборот технологиялари воситаларининг марказида турувчиси компьютердир. Ҳозирги кунда **компьютерлар** таълим тизимида асосан уч йўналишда:

- ўрганиш объекти сифатида;
- ўқитишнинг техник воситалари сифатида;
- таълимни бошқаришда;
-

1.2. Замонавий ахборот технологияларининг таълим жараёнларига жорий этилиши:

Таълим тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишларидан бири ахборот коммуникация технологиялари билан ўқув жараёнини тизимли интеграциялаш ҳисобланади. Бунда ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмунини тубдан янгилаш, ахборот-коммуникация технологиялари муҳитида ўқитувчининг педагогик фаолияти ва талабанинг таълим олиш жараёнини ташкил этиш стратегик масала сифатида намоён бўлади.

Таълимда замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини кенг жорий этилиши:

- талабага касбий билимларни эгаллашига;
- ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш орқали фан соҳасини чуқур ўзлаштирилишига;
- ўқув фаолиятининг хилма-хил ташкил этилиши ҳисобига талабанинг мустақил фаолияти соҳасининг кенгайишига;
- интерактив мулоқот имкониятларининг жорий этилиши асосида ўқитиш жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциялаштиришга;
- сунъий интеллект тизими имкониятларидан фойдаланиш орқали талабанинг ўқув материалларини ўзлаштириш стратегиясини эгаллашига;
- ахборот жамияти аъзоси сифатида унда ахборот маданиятининг шаклланишига; ўрганилаётган жараён ва ҳодисаларни компьютер технологиялари воситасида тақдим этиш, талабаларда фан асосларига қизиқишни ва фаолликни оширишга олиб келиши билан муҳим аҳамият касб этади
- фан соҳаларини ахборотлаштиришни; ўқув фаолиятни интеллектуаллаштиришни; интеграция жараёнларини чуқурлаштиришни;
- таълим тизими инфратузилмаси ва уни бошқариш механизмларини такомиллаштиришга олиб келади.

Педагогик таълим жараёнларини замонавий ахборот технологиялари асосида самарали ташкил этиши:

- масофавий ўқув курсларини ва электрон адабиётларни яратувчи жамоага педагоглар, компьютер дастурчилар, тегишли мутахассисларнинг бирлашувини;
- педагоглар ўртасида вазифаларнинг тақсимланишини;
- таълим жараёнини ташкил қилишни такомиллаштириш ва педагогик фаолиятнинг самарадорлигини мониторинг этишни тақозо этади.

1.2. Электрон ахборот таълим ресурси ва унинг асосий ташкил этувчилари.

Замонавий ахборот технологиялари талабалар учун маълумотларни етказиш, сақлаш, қидириш каби жараёнларда катта имкониятга эга. Ҳозирда таълим муассасаларида электрон шаклда кўплаб ахборот-таълим ресурслари яратилган.

Электрон ахборот-таълим ресурси (ЭАТР) – ўрганиш ва таълим бериш учун қулай тарзда шакллантирилган, илмий жиҳатдан тизимлаштирилган, турли ёшдаги ва таълим олиш даражасидаги таълим олувчиларга мўлжалланган, маълум бир фанни ўрганиш учун мантиқий кетма-кетликда шакллантирилган электрон ахборот манбалари мажмуасидир.

Таклиф этилаётган электрон ахборот таълим ресурслари таълим олувчиларга ўрганилаётган объект устида ижодий изланиш олиб боришга, уни ўзлаштириш жараёнида юзага келувчи ўзаро боғлиқликларни тизимли ўрганишга ёрдам беради. Мазкур муҳит таълим берувчи ва таълим олувчиларга индивидуал тарзда зарур ҳолатларда ва жамоа бўлиб ишлаш имкониятини яратади.

Электрон ахборот таълим ресурсининг асосий ташкил этувчилари қуйидагилар:

1). Фан бўйича маъруза матни ёки назарий материаллар тўплами. Жорий этилган ёки амалдаги дарсликнинг электрон нусхаси.

2). Машқ ва масалалар тўплами. Таълим беришда қўйилган бирламчи талабларни бажариш учун машқ ва масалалар тўплами. Масалалар тўплами электрон вариантда фақат сидирға матн кўринишида эмас, балки уни ечиш учун тузилган махсус амалий дастурлар кўринишида бўлиши зарур. Асосий мезон сифатида назарий жиҳатдан ёритилган ўқув материаллар билан бевосита боғлиқ масала ечими ёки таҳлили қаралади.

3). Дидактик материаллар, фан бўйича таклиф этилаётган ресурс мазмунини намойиш этувчи электрон плакатлар, виртуал кўргазма қуроллари ва фанни ўрганиш учун яратилган чизиқли анимацион роликлар.

4). Дарс мавзусини тўлдирувчи қўшимча материаллар. Мазкур блок (меню)да дарслик мазмунини тўлдирувчи интерактив анимацион дастурлар, расмлар композицияси, матн кўринишдаги қўшимча материаллар жойлаштирилади.

5). Медиа файллар. Аудио, видео материаллар. Мазкур блок дарс мавзусини ёритувчи мп3 форматидаги аудиоролик, swf ёки avi форматидаги видеороликлар.

6). Глоссарий. Мазкур блокда фанни ўрганиш учун терминологик луғат жойлаштирилади.

Шу билан бирга фанни тўлдирувчи, ўрганиладиган курс доирасидаги қўшимча маълумотларни акс эттирувчи энциклопедик материаллар жойлаштирилади.

7). Фотогалерея, дарс мавзусини тўлдирувчи фото ёки фотокомпозициялар.

8). Тест. Дарсликда берилган мавзулар кесимида тест WEB форматда яратилади. Мавзуни ўрганиш тугаши билан билимларни синаб кўриш

Демак, юқоридагилар асосида электрон ахборот таълим ресурсларининг энг асосий турлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- Дарсликнинг электрон нусхаси
- Аудио ва видео дарсликлар
- Электрон кутубхоналар
- Дастурлаштирилган тестлар
- Мультимедиали маърузалар
- Электрон дарсликлар
- Фанга тааллуқли интернет саҳифалар
- Онлайн дарслар

1.4. Электрон дасрлик ва унинг моҳияти

Электрон дарслик бу – компьютер технологияларига асосланган, маълум кетма-кетликда дастурий тизимлаштирилган электрон ўқув воситасидир. Электрон дарслик бир гуруҳ мутахассислар: дастурчилар, фан ўқитувчилари, таржимонлар томонидан яратилади, илмий-методик кенгаш томонидан тасдиқланади ва экспертизадан муваффақиятли ўтса, ЎзР.интеллектуал мулк агентлиги томонидан гувоҳнома(патент) берилади, оммалаштирилади.

Электрон дарслик бу–маълум кетма-кетликда тизимлаштирилган ва ноқоғоз ахборот ташувчи (СД, ДВД ва ҳ.к.) ёки интернет технологияларга асосланган ўқув курсидир.

Электрон дарсликлар тугалланган мультимедия материали ҳисобланиб, одатда муаллифлик муҳити ёрдамида маълум бир дастурлаш тилида ЪТМЛ – гиперматн форматида яратилади.

Медиа- (инг. тилида коммуникация муҳити, воситалари деган маънони билдиради)

Мультимедиа - кўп тармоқли коммуникация воситалари деган маънони билдиради **Мультимедиа** (мулти – ко`п, медиа – муьит) - бу компьютер технологиясининг турли хил кўринишга эга бўлган (матн, графика, расм, товуш, анимация, видео ва ҳ.к) ахборотдан фойдаланиш билан боғлиқ соҳасидир.

Анимация (фр.тилида жонлантириш,ҳаракатга келтириш демакдир). Масалан такдимотдаги маълумотларни анимация дастури оркали ҳаракатга келтириш мумкин

Электрон дарслик ёки электрон ўқув қўлланмаси ўзига хос кўринишдаги «ташқи кўринишга-интерфейсга» эга бўлади. Интерфейсинг бошқарув элементлари фойдаланувчи учун қулай бўлиши, уни матн ёки зарур мазмун билан ишлашдан чалғитмаслиги, китобни саҳифалаш учун қўлланиладиган бошқарув элементлари эса унинг ҳар бир саҳифасида бўлиши зарур.

Электрон дарсликлар қўйидиги функцияларни бажаради:

1. Таълим олувчига бериладиган билим даражасини ошириш, яъни фанни ўзлаштириш даражасини ошириш;
2. Миллий ахборот ресурсларини шакллантириш;
3. Ўқув тарбия жараёнида таълим олувчининг бошланғич ва якуний босқичдаги билим даражасини назорат қилиш;
4. Таълим беришнинг анъанавий усулларидан инновацион технологияларга асосланган усулларга ўтиш.

Бундан ташқари электрон дарсликларга: педагогик талаблар, ўқув-услубий талаблар, функционал талаблар белгиланган:

Электрон дарсликларга қўйиладиган педагогик талабларга:

- Электрон дарслик амалдаги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига тўла мувофиқ бўлиши керак;
 - таълим бериш жараёнида билимни ўзлаштириш даражасини ошириш учун, фан-техника ва технологиялар эришган ютуқлардан максимал фойдаланиш;
 - берилиши зарур бўлган ўқув материалининг ҳажми ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар даражасида бўлиши.
- фойдаланувчи учун қулай, содда, аниқ, интуитив ва ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиши

Электрон дарсликларга қўйиладиган ўқув-услубий талабларга эса:

- таълим берувчига дарсни мустақил дарс кўринишда ўтказишга шароит яратиш, бу ҳолатда таълим берувчи маслаҳатчи ролида иштирок этиш;
- ўқитувчига таълим олувчилар ўзлаштирган билим даражасини турли хил мураккабликдаги (мураккаблик даражаси шакллантириладиган) тестлар ёрдамида назорат қилиш имкониятини бериш;
- дарсларга тайёргарликни ўқитувчига қулай усулда амалга оширишга имконият яратиш (слайд, матн, презентация, видеоматериал ва ҳ.к.) киради.

Электрон дарсликларга қўйиладиган функционал талабларга эса:

- таълим олувчининг ўзлаштириш даражасига боғлиқ ҳолда, ўтилган мавзунини қайтариш, мавзу устида ишлашларни индивидуал темпда амалга ошириш;
- интерактивлик-табиий мулоқотни имитатсиялаш, яъни дарслик матни билан ўқувчи ўртасида мулоқот ўрнатиб, ўқитувчи мавжудлиги ҳиссини бериш (сўровнома, вербал, новербал овоз ва ҳ.к. ёрдамида);

Электрон дарсликларнинг қайси фан ёки соҳага йўналтирилганлигидан қатъий назар, асосий йўналиш бошланғич маълумотларни, оралик натижаларни визуаллаштиришга қаратилган бўлиб, бу йўналиш жорий ва яқиний натижаларни кўриш имкониятини бериш билан бирга уни таҳлил этишга шароит яратади.

АМАЛИЙ МАНҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу: ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ, УНИНГ ШАКЛЛАРИ ВА ИШТИРОКЧИЛАРИ.

Ишдан мақсад: Интерфаол таълим, унинг шакллари ва иштирокчиларини билиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчи амалий манғулота келтирилган вазифаларни бажариши, таҳлил қилиши ва натижа олиши лозим.

Ишни бажариш учун намуна.

1-вазифа Интерфаол таълим, унинг шакллари ва иштирокчилари борасида кичик мақола ёзинг.

2-вазифа. Ўз дарсингизда интерфаол таълимнинг қайси турларидан фойдаланасиз

АХБОРОТ: Интерфаол таълим ва унинг шакллари

Интерфаол метод— таълим жараёнида ўқувчилар ҳамда ўқитувчи ўртасидаги фаолликни ошириш орқали ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштиришини фаоллаштириш, шахсий сифатларини ривожлантиришга хизмат қилади.

“Интерактив” (интерфаол)-инглизча сўз бўлиб, “interact”- “inter”-бу ўзаро, “act”-бу“ҳаракат қилмоқ” маъносини англатади.

Умумлатирганда эса “Интерактив” (интерфаол) –“ўзаро ҳаракат қилмоқ” маъносини англатади. Интерфаол таълим бу:

- ▲ Стратегия ва методология;
- ▲ доимий мулоқотга асосланган методлар тизими;
- ▲ биргаликдаги ўқиш ва фаол иштирок этишдир.

Интерфаол таълимнинг асосий мезонлари: норасмий баҳс-мунозаралар ўтказиш, ўқув материални эркин баён этиш ва ифодалаш имконияти, маърузалар сони камлиги, лекин семинарлар сони кўплиги, ўқувчилар ташаббус кўрсатишларига имкониятлар яратилиши, кичик гуруҳ, катта гуруҳ, синф жамоаси бўлиб ишлаш учун топшириқлар бериш, ёзма ишлар бажариш ва бошқа методлардан иборат бўлиб, улар таълим-тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишда ўзига хос аҳамиятга эга.

Интерфаол машғулот самарадорлиги омиллари

Ҳозирда таълим методларини такомиллаштириш соҳасидаги асосий йўналишлардан бири интерфаол таълим ва тарбия усулларини жорий қилишдан иборат. Интерфаол усулларни қўллаш натижасида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш, таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш, ўз фикрини баён қилиш, уни асослаган ҳолда ҳимоя қила билиш, соғлом мулоқот, мунозара, баҳс олиб бориш кўникмалари шаклланиб, ривожланиб боради.

Бу масалада америкалик психолог ва педагог Б.Блум билиш ва эмоционал соҳалардаги педагогик мақсадларнинг таксономиясини яратган. Уни Блум таксономияси деб номланади. (Таксономия-борлиқнинг мураккаб тузилган соҳаларини таснифлаш ва системалаштириш назарияси). Унга кўра тафаккурнинг ривожланиши билиш, тушуниш, қўллаш, таҳлил, умумлаштириш, баҳолаш даражаларида бўлади. Булар куйидаги белгилар ҳамда ҳар бир даражага мувофиқ феъллар намуналари билан ҳам ифодаланади, жумладан:

Билиш-дастлабки тафаккур даражаси бўлиб, бунда ўқувчи атамаларни айта олади, аниқ қоидалар, тушунчалар, фактлар ва шу кабиларни билади. Бу тафаккур даражасига мувофиқ феъллар намуналари: қайтара билиш, мустаҳкамлай олиш, ахборотни этказа олиш, айтиб бера олиш, ёзиш, ифодалай олиш, фарқлаш, таний олиш, гапириб бериш, такрорлаш.

Тушуниш даражасидаги тафаккурга эга бўлганда эса, ўқувчи фактлар, қоидалар, схема, жадвалларни тушунади. Мавжуд маълумотлар асосида келгуси оқибатларни тахминий тафсифлай олади. Бу тафаккур даражасига мувофиқ феъллар намуналари: асослаш, алмаштириш, яққоллаштириш, белгилаш, тушунтириш, таржима қилиш, қайта тузиш, ёритиб бериш, шарҳлаш, ойдинлаштириш.

Қўллаш даражасидаги тафаккурда ўқувчи олган билимларидан фақат анъанавий эмас, ноънанавий ҳолатларда ҳам фойдалана олади ва уларни тўғри қўллайди. Бу тафаккур даражасига мувофиқ феъллар намуналари: жорий қилиш, ҳисоблаб чиқиш, намойиш қилиш, фойдаланиш, ўргатиш, аниқлаш, амалга ошириш, ҳисоб-китоб қилиш,

татбиқ қилиш, ҳал этиш. Таҳлил даражасидаги тафаккурда ўқувчи яхлитнинг қисмларини ва улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни ажрата олади, фикрлаш мантиқидаги хатоларни кўради, фактлар ва оқибатлар орасидаги фарқларни ажратади, маълумотларнинг аҳамиятини баҳолайди.

Бу тафаккур даражасига мувофиқ феъллар намуналари: келтириб чиқариш, ажратиш, табақалаштириш, таснифлаш, тахмин қилиш, башорат қилиш, ёйиш, тақсимлаш, текшириш, гуруҳлаш. Умумлаштириш даражасидаги тафаккурда ўқувчи ижодий иш бажаради, бирор тажриба ўтказиш режасини тузади, бирнечта соҳалардаги билимлардан фойдаланади. Маълумотни янгилик яратиш учун ижодий қайта ишлайди. Бу тафаккур даражасига мувофиқ феъллар намуналари: янгилик яратиш, умумлаштириш, бирлаштириш, режалаштириш, ишлаб чиқиш, тизимлаштириш, комбинастиялаштириш, яратиш, тузиш, лойиҳалаш. Баҳолаш даражасидаги тафаккурда ўқувчи мезонларни ажрата олади, уларга риоя қила олади, мезонларнинг хилма-хиллигини кўради, хулосаларнинг мавжуд маълумотларга мослигини баҳолайди, фактлар ва баҳоловчи фикрлар орасидаги фарқларни ажратади. Бу тафаккур даражасига мувофиқ феъллар намуналари: ташхислаш, исботлаш, ўлчаш, назорат қилиш, асослаш, маъқуллаш, баҳолаш, текшириш, солиштириш, қиёслаш.

Интерфаол машғулотнинг айрим жиҳатларини таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Ўқув режадаги фанларни ўқитишда қайси мавзулар бўйича интерфаол дарслар ташкил қилиш мақсадга мувофиқлигини ҳисобга олиш зарур. Бунда бир мавзу бўйича машғулотнинг мақсадига тўлиқ эришишни таъминлайдиган интерфаол ёки анъанавий машғулот турларидан фойдаланиш кўзда тутилади.
2. Интерфаол машғулотнинг самарали бўлиши учун ўқувчилар янги машғулотдан олдин унинг мавзуси бўйича асосий тушунчаларни ва дастлабки маълумотларни билишларини таъминлаш зарур.
3. Интерфаол машғулотда ўқувчиларнинг мустақил ишлашлари учун анъанавий машғулотга нисбатан кўп вақт сарфланишини ҳисобга олиш зарур. Интерфаол таълим усули – ҳар бир ўқитувчи томонидан мавжуд воситалар ва ўз имкониятлари даражасида амалга оширилади. Интерфаол машғулотларни амалда қўллаш бўйича айрим тажрибаларни ўрганиш асосида бу машғулотларнинг сифат ва самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омилларни кўрсатишимиз мумкин. Уларни шартли равишда ташкилий-педагогик, илмий–методик ҳамда ўқитувчига, ўқувчиларга, таълим воситаларига боғлиқ омиллар деб аташ мумкин. Улар ўз моҳиятига кўра ижобий ёки салбий таъсир кўрсатишини назарда тутишимиз лозим.

Ташкилий-педагогик омилларга қуйидагилар киради:

- 1 Ўқитувчилардан интерфаол машғулотлар олиб боровчи тренерлар гуруҳини тайёрлаш;
- 2 Ўқитувчиларга интерфаол усулларни ўргатишни ташкил қилиш;
- 3 Ўқув хонасида интерфаол машғулот учун зарур шароитларни яратиш;
- 4 Маърузачининг ҳамда иштирокчиларнинг иш жойи қулай бўлишини таъминлаш;
- 5 Санитария-гигиена меъёрлари бузилишининг олдини олиш;
- 6 Хавфсизлик қоидаларига риоя қилишни таъминлаш;
- 7 Давоматни ва интизомни сақлаш;
- 8 Назорат олиб боришни ташкил қилиш ва бошқалар.

Илмий-методик омилларга қуйидагилар киради:

- 1 Дтс талабларининг бажарилишини ҳамда дарсдан кўзда тутилган мақсадга тўлиқ эришишни таъминлаш учун мақсадга мувофиқ бўлган интерфаолусулларни тўғри танлаш;
- 2 Интерфаол машғулот ишланмасини сифатли тайёрлаш;
- 3 Интерфаол машғулотнинг ҳар бир элементи ўрганилаётган мавзу билан боғлиқ бўлишини таъминлаш;
- 4 Машғулотлар мавзуси ва мазмунини сўнгги илмий-назарий маълумотлар асосида белгилаш;
- 5 Ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасини олдиндан аниқлаш ва шунга мос даражадаги интерфаол машғулотларни ўтказиш;
- 6 Интерфаол машғулот учун етарлича вақт ажрата билиш ва бошқалар.

2-мавзу: ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ЖАРАЁНИ ИШТИРОКЧИЛАРИ

Ишдан мақсад: Интерфаол таълим ва тарбия жараёни иштирокчилари тўғрисида маълумот олиш

Масаланинг қўйилиши: Тингловчи амалий машғулотда келтирилган вазифаларни бажариши, таҳлил қилиши ва натижа олиши лозим.

Ишни бажариш учун намуна.

1-вазифа Интерфаол таълим ва тарбия жараёни иштирокчиларининг ҳар бирининг хусусиятини ва таълимдаги ўрнини очиқ беринг

АХБОРОТ: Интерфаол таълим ва тарбия жараёни иштирокчилари

Интерфаол машғулотлар ўзига хос ташкилий тузилишга эга бўлиб, уни ташкил қилиш ва олиб бориш бўйича фаолият турлари алоҳида ажратилган ва ҳар бири бўйича алоҳида вазифалар белгиланган. Бунда бир машғулот жараёнида машғулотни олиб боровчи бир вақтда ушбу вазифаларни бажариши кўзда тутилади.

Шу билан бирга бир машғулоти икки ёки уч педагог ёки ёрдамчилар биргаликда олиб бориши ҳам қўлланилади. Улар бажарадиган вазифаларига кўра қуйидагича номланадилар:

1. Модератор– таълим мазмунини яратувчи, модулларини ишлаб чиқувчи.
1. Тренер–ўқувчиларнинг кўникмаларини ривожлантирувчи машқлар ўтказувчи махсус тайёргарликдан ўтган мутахассис.
2. Тьютор–масофадан ўқитиш дастурларини яратувчиси ва бажарилишини таъминловчи.
3. Фасилитатор–дарсда кўмакчи, йўналтирувчи, жараёнга жавоб бермайди, хулоса чиқармайди.
4. Ментор–устоз, ўргатувчи(якка ва гуруҳли тартибда).
5. Коуч–таълим олувчиларнинг тўлиқ ўзлаштиришлари учун ёрдам кўрсатувчи репетитор, инструктор, тренер. Амалиёт давомида амалий машғулоти олиб боради, иш жараёнини назорат қилувчи, кузатувчи. (Коучинг-имтиҳонларга ёки спорт бўйича тайёргарлик кўриш).
6. Консултант–маслаҳат берувчи, тушунтирувчи, қўшимча маълумот берувчи.
7. Лектор–назарий маълумотлар билан таништирувчи.
8. Эксперт – кузатиш, таҳлил, текшириш, хулоса, тавсия, таклиф, мулоҳаза билдириш.
9. Инноватор–янгиликларни таълим мазмуни ва машғулотлар жараёнига жорий қилувчи.
10. Менежер–ташкилий–педагогик ва иқтисодий масалаларни ҳал этувчи.
11. Спектер–кузатиш, таҳлил қилиш ва хулосаларни баён қилиш.
12. Ассистент–машғулоти учун тайёрланган воситаларни амалда қўллашга тайёрлаш, машғулоти иштирокчиларига ёрдам кўрсатиб туриш.
13. Секретар–зарур маълумотларни ёзиб бориш, тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш, ўрнатилган тартибда сақлаш.
14. Технолог–педагогик технология мутахассиси. Замонавий педагогик технологиялар асосидаги дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиб боради.
15. Методист-таълим-тарбия методлари бўйича мутахассис. Дастурларни ишлаб чиқишда ва амалга ошириш жараёнида методик масалаларни ҳал этиб боради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, интерфаол таълим бир вақтда бир нечта масалани ҳал этиш имкониятини беради. Булардан асосийси-ўқувчиларнинг мулоқот олиб бориш бўйича кўникма ва малакаларини ривожлантиради, ўқувчилар орасида эмоционал алоқалар ўрнатилишига ёрдам беради, уларни жамоа таркибида ишлашга, ўз ўртоқларининг фикрини тинглашга ўргатиш орқали тарбиявий вазифаларнинг бажарилишини таъминлайди.

3-Мавзу: ЎҚИТУВЧИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ

Ишдан мақсад: Ўқитувчининг инновацион фаолияти тўғрисида маълумот олиш

Масаланинг қўйилиши: Тингловчи амалий машғулотда келтирилган вазифаларни бажариши, таҳлил қилиши ва натижа олиши лозим.

Ишни бажариш учун намуна.

1-вазифа Ўқитувчининг инновацион фаолияти хусусида мақола ёзинг

АХБОРОТ: Ўқитувчининг инновацион фаолияти

Инновация (инглизча innovation) - янгилик киритиш, янгиликдир.

А.И. Пригожин инновация деганда муайян ижтимоий бирликка - ташкилот, аҳоли, жамият, гуруҳга янги, нисбатан турғун унсурларни киритиб боровчи мақсадга мувофиқ ўзгаришларни тушунади. Бу инноватор фаолиятидир.

Тадқиқотчилар (А.И. Пригожин, Б.В. Сазонов, В.С. Толстой, А.Г.Кругликов, А.С.Ахиезер, Н.П.Степанов ва бошқалар) инновацион жараёнлар таркибий исмларини ўрганишнинг икки ёндашувини ажратадилар: янгиликнинг индивидуал микросатҳи ва алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларни ўзаро таъсири микросатҳи.

Биринчи ёндашувда ҳаётга жорий этилган қандайдир янги ғоя ёритилади. Иккинчи ёндашувда алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларнинг ўзаро таъсири, уларнинг бирлиги, рақобати ва оқибат натижада бирининг ўрнини иккинчиси эгаллашдир.

Олимлар инновацион жараён микротузилмасини таҳлил қилишда ҳаётнинг даврийлиги концепциясини фарқлайдилар.

Бу концепция янгилик киритишга нисбатан ўлчанадиган жараён эканлигидан келиб чиқади. Педагогикага оид адабиётларда инновация жараёни схемаси берилади. У қуйидаги босқичларни қамраб олади:

1. Янги ғоя туғилиши ёки янгилик концепциясини пайдо қилиш босқичи, у кашфиёт босқичи деб ҳам юритилади.

2. Ихтиро қилиш, яъни янгилик яратиш босқичи.

3. Яратилган янгиликни амалда қўллаш билиш босқичи.

4. Янгиликни ёйиш, уни кенг тадбиқ этиш босқичи.

5. Муайян соҳада янгиликнинг ҳукмронлик қилиш босқичи. Бу босқичда янгилик ўзининг янгилигини йўқотади, унинг самара берадиган муқобили пайдо бўлади.

3. Янги муқобиллик асосида, алмаштириш орқали янгиликнинг қўлланиш доирасини қисқартириш босқичи.

4. В.А.Сластенин янгилик киритишни мақсадга мувофиқ йўналтирилган янгилик яратиш, кенг ёйиш ва фойдаланиш жараёни мажмуи, унинг мақсади инсонларнинг эҳтиёжи ва интилишларини янги воситалар билан қондириш деб билади.

Янгилик киритишнинг тизимли концепцияси муаллифлари (А.И.Пригожин, Б.В.Сазонов, В.С. Толстой) инновацион жараёнларнинг икки муҳим шаклини фарқлайдилар.

Биринчи шаклга янгилик киритишни оддий ишлаб чиқиш киритилади. Бу илк бор маҳсулот ўзлаштирган ташкилотларга тааллуқлидир.

Иккинчи шаклга янгиликни кенг қўламда ишлаб чиқиш тааллуқлидир. Янгилик киритиш ҳам ички мантиқ, ҳам вақтга нисбатан қонуний ривожланган ва унинг атроф-муҳитга ўзаро таъсирини ифодалайдиган динамик тизимдир.

4-Мавзу ШАРҚШУНОСЛИҚДА ИЛҒОР ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.

Ишдан мақсад: Шарқшуносликда илғор таълим технологияларни ўрганиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчи амалий машғулотда келтирилган вазифаларни бажариши, таҳлил қилиши ва натижа олиши лозим.

Ишни бажариш учун намуна.

1-вазифа Шарқшуносликда илғор таълим технологиялари хусусида мақола ёзинг

АХБОРОТ: Шарқшуносликда илғор таълим технологиялари.

Муаммоли ўқитиш технологияси

Муаммоли ўқитиш бу такомиллашган ўқитиш технологиясидир. Ҳозирги олий мактабдаги самарадор ўқитиш технологияси - бу муаммоли ўқитишдир. Унинг вазифаси фаол билиш жараёнига ундаш ва тафаккурда илмий-тадқиқот услубини шакллантиришдир. Муаммоли ўқитиш ижодий, фаол шахс тарбияси мақсадларига мос келади. Муаммоли ўқитиш жараёнида талабанинг мустақиллиги ўқитишни репродуктив шаклларига нисбатан тобора ўсиб боради.

Ҳозирги педагогикага оид адабиётларда муаммоли ўқитишнинг турли таъриф ва тавсифлар бор. Бизнингча, нисбатан тўлиқ ва аниқ таъриф М.И.Махмудова томонидан берилган бўлиб, унда муаммоли ўқитиш мантикий фикрлар тадбирлари (таҳлил, умумлаштириш) ҳисобга олинган ўргатиш ва дарс бериш усуллари қўллаш қоидалари ва талабаларнинг тадқиқот фаолиятлари қонуниятларининг (муаммоли вазият, билишга бўлган қизиқиш ва талаб...) тизими сифатида изоҳланади.

Ўйинли технологиялар:

Ўйинли технологиялардан фойдаланишнинг асосини талабаларнинг фаоллаштирувчи ва жадаллаштирувчи фаолияти ташкил этади. Ўйин олимлар тадқиқотларига кўра меҳнат ва ўқиш билан биргаликда фаолиятнинг асосий турларидан бири ҳисобланади.

Психологларнинг таъкидлашларича, ўйинли фаолиятнинг психологик механизмлари шахснинг ўзини намоён қилиш, ҳаётда ўз ўрнини барқарор қилиш, ўзини ўзи бошқариш, ўз имкониятларини амалга оширишнинг фундаментал эҳтиёжларига таянади.

Ўйин ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш ва қайта яратишга йўналган вазиятларда, фаолият тури сифатида белгиланади ва унда шахснинг ўз хулқини бошқариши шаклланади ва такомиллашади.

5-Мавзу. ШАРҚШУНОСЛИҚДА ИЛҒОР ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Ишдан мақсад: Шарқшуносликда илғор таълим методларини ўрганиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчи амалий машғулотда келтирилган вазифаларни бажариши, таҳлил қилиши ва натижа олиши лозим.

Ишни бажариш учун намуна.

1-вазифа Ўзингиз қўллайдиган илғор таълим таълим методлари бўйича мақола ёзинг.

АХБОРОТ: Шарқшуносликда илғор таълим методлари

«ФСМУ» методи Мазкур метод иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустақамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда семинар машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.



ВЕНН ДИАГРАММАСИ МЕТОДИ: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у учта ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини турли аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:


- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки

фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

НАМУНА: Сифат ва равиш: ўхшаш ва фарқли томонлар



Балиқ с
имконини
кўникмалар
Кластер

и ва уни ечиш
таҳлил қилиш
от харитасини

тузиш йўли- барча тузилманинг моҳиятини марказлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омил атрофида ғояларни йиғиш

“SWOT-таҳлил” методи -мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли

тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айна пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу

Шарқшунослик бўйича таълимий интернет ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш

Ишдан мақсад: Шарқшунослик бўйича таълимий интернет ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш малакасини эгаллаш
Дарс машғулотида уларни қўллай олиш техникасини ўрганиш

Масаланинг қўйилиши: Тингловчи амалий машғулотда келтирилган вазифаларни бажариши, таҳлил қилиши ва натижа олиши лозим.

Ишни бажариш учун намуна.

1-вазифа. <http://www.orientalstudies.ru/rus> (Санкт-Петербург)
<http://www.ivran.ru> (Москва) сайтлари билан танишиш, ўзимизга маъқул бўлган ахборот ҳақида аннотация тайёрлаш.

2-вазифа <https://www.hse.ru/ba/oriental/webinar> веб саҳифаси орқали вебинарлар билан танишиш ва ўзимизга маъқул бўлган вебинар ҳақида аннотация тайёрлаш.

АХБОРОТ :

Таълимий интернет ресурслари

Таълим-тарбия жараёнларини ахборотлаштиришни ривожлантириш йўналиши турли таълим ахборот ресурсларининг бирлаштирилиши орқали ахборот-таълим муҳитларини яратиш билан бевосита боғлиқ. Бундай муҳитни ташкил этишда, аввалом бор, таълим муассасаларида ахборотлаштиришни ташкил этиш, яъни барча ўқув, маъмурий ва хўжалик хизматларни, кутубхона ва бошқарув (ректорат, деканат, ўқув бўлими ва бошқ.) бўлимларини ягона тармоққа бирлаштириш, уларни ИНТЕРНЕТ тизимида чиқиш имкониятларини яратиш, таълим муассасида ўқув жараёнини назорат қилиш, ҳужжатлар электрон алманишувини ташкил этиш, ахборот технологиялари негизида махсус ўқув-методик мажмуаларни яратиш орқали талабаларнинг мустақил таълим фаолиятини ташкил этиш каби вазифаларни амалга ошириш зарур бўлади. Ҳозирда бундай вазифаларни бажаришда портал технологияларини яратиш орқали ахборот-таълим ресурсларидан фойдаланишни ташкил этиш мумкин. Таълим муассасининг ягона ахборот-таълим муҳитини ривожлантиришнинг муҳим йўналиши сифатида ўқув жараёнида ахборот ва телекоммуникация технологияларидан фойдаланиш ҳисобланади. Ахборотларни тизимлаштириш ахборот-таълим ресурсларидан фойдаланишни енгиллаштиради. Ахборот-таълим порталларининг яратилиши ахборотларни мантиқий тартиблаш ва тизимлаштиришга ёрдам беради.

Ўқув жараёнида ўзбек адабиёти бўйича бўйича яратилган сайтлардан фойдаланиш ўқитувчиларга:

- интернет тармоғи ёрдамида у ёки бу ўқув фанлардан тўпланган тажриба ва услубларни бошқа касбдошлари билан алмашиш;
- бир вақтнинг ўзида турли тоифадаги талабалар учун ҳар хил ўқитиш услубларини амалга ошириш орқали ўқув жараёнини индивидуаллаштириш;
- ўқув муассасалари учун яратилган сайтлардаги назорат топшириқларидан машқ сифатида фойдаланиш натижасида талабаларда фан бўйича эгалланган билимларни кўникма ва малака даражасига етказиш;
- талабаларни мустақил билим олиш жараёнини самарали ташкил этиш каби имкониятларни яратади.

Ўқув муассасалари учун яратилган сайтларнинг таълим соҳасидаги қуйидаги афзалликларини санаб ўтиш мумкин:

- фанларни ўзлаштирилишни яхшиланиши;
- тармоқ саводхонлигини ортиши (компьютер ва интернет билан мулоқот қилишдаги янгиликлар);
- ўрганишга бўлган муносабатни яхшиланиши;
- мустақил таълим ва тадқиқотлар малакасини такомиллашиши;
- амалий малака самарадорлигини ошириш.

Шарқшунослик бўйича миллий ва хорижий таълимий веб ресурслар

Миллий ресурслар	
www.rtm.uz	www.ziyouz. uz
www.filoloji.adu.uz	www. ziyonet.uz
www. navoiy-uni.uz	www.tashgiv.uz
www.tilvaadabiyot.uz	www. e-adabiyot.uz
www.sharh.uz	www. sharqyulduzi.uz


Хорижий ресурслар	
www.iling-ran.ru	www.philology.nsc.ru

www.turcologica.org	www. turcologiya.org
www.turkportal.ru	www.orientalstudies.ru
www.turkicstudies.ru	www.magazines.ru
www.iaaw.hu-berlin.de	www.Rifma.com

Бундан ташқари ҳар бир педагог учун керакли веб сайтлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин

- www.uz** – миллий ахборот қидирув тизими
- **umail.uz** – миллий электрон почта хизмати
 - **ziyonet.uz** – ахборот таълим тармоғи
 - **uforum.uz** – муҳокама веб портали
 - **edu.uz** – Ўзбекистон таълим портали
 - **ccitt.uz** - Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги портали
 - **mtrk.uz** – миллий телерадиокомпания веб сайти

V.ТАҚДИМОТЛАР



SWOT таҳлил

– бу субъектнинг кучли ва заиф томонларини очиб бериш методи



КЕЙС- англиз тилида . «case» - вазият,
воқеа деган маънони англатади.

Бу метод муаммоли вазиятларни қўя
билиш ва уларнинг ечимини топишга,
бу орқали талабанинг креатив
тафаккурини оширишга йўналтирилган

ФСМУ

- **Фикр** - Медиясаводхонлик –
маданиятнинг муҳим белгиси
- **Сабаб**- чунки замон талаби
- **Мисол**- бугунги фаол ўқитувчилар
- **Умумлаштириш**- АКТ дан унумли ва
тўғри фойдаланиш самарадорлик
гарови

VI. ГЛОССАРИЙ

<p>Педагогик технология – 1) олдиндан лойиҳалаштирилган педагогик жараёни амалиётга режали ва бир маромда татбиқ этиш ёки педагогик масалани ечишга қаратилган педагогнинг узлуксиз ўзаро боғланган ҳаракатлари тизимидир; 2) таълим-тарбия методларини у ёки бу тўпламини қўллаш билан боғлиқ бўлган педагогнинг узлуксиз, ўзаро шартланган ҳаракатлари тизимидир; 3) таълим шаклларини оптималлаштиришга қаратилган, техника ҳамда инсон омиллари, унинг ўзаро ҳамкорлиги асосида ўқитиш жараёни ва билимларни эгаллаш, яратиш, қўллаш ҳамда белгилашнинг тизимли методидир.</p>
<p>«Технология» юнонча сўздан келиб чиққан бўлиб «techné» - маҳорат, санъат, малака ва «logos» - сўз, таълимот маъноларини англатади.</p>
<p>Таълимни технологиялаштириш – бу ўқитиш жараёнига технологик ёндашиш асосида таълим мақсадларига эришишнинг энг мақбул йўллари ва самарали воситаларни тадқиқ қилувчи ва қонуниятларни очиб берувчи педагогик йўналишдир.</p>
<p>Педагогика тизим – шахснинг бор сифатларини шакллантириш учун ташкилий, мақсадга йўналтирилган ва педагогик таъсир кўрсатишни кўзлаган, ўзаро боғлиқ восита, усул, жараёнларнинг йиғиндисини ифода қилувчи аниқ яхлитликдир.</p>
<p>Метод – 1) табиий ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини тадқиқ қилиш, билиш усули; 2) ҳаракат қилиш усули, тарзи.</p>
<p>Методика – бирор ишни ташкил қилишда мақсадга мувофиқ қўлланадиган методлар.</p>
<p>Методология- дунёни илмий билиш методи ҳақидаги таълимот.</p>
<p>Муаммоли ўқитиш – ўқув машғулотини ташкил этиш шакли бўлиб, унда педагог раҳбарлигида муаммоли вазият юзага келтирилади ва унинг ҳал қилинишида таълим олувчилар фаол мустақил ҳаракат қиладилар.</p>
<p>Педагогик фаолият – таълим мақсадларини амалга оширишга</p>

қаратилган ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури.
Педагогик жараён - таълим масалалари, унинг тараққиётини ҳал қилишга қаратилган, махсус ташкил этилган педагог ва тарбияланувчиларнинг ўзаро муносабатлари.
Педагогик маҳорат - педагогик жараённи билиш, уни ташкил эта олиш, ҳаракатга келтира олиш, педагогик жараённинг юқори самарадорлигини белгилловчи шахсинг иш сифати ва хусусиятлари синтези.
Дидактика - таълим ва ўқитиш назарияси ҳамда ўқитиш жараёнида тарбиялаш мазмунини ифодаловчи педагогиканинг таркибий қисми.
Таълим олиш – бу билим, кўникма ва малакалар тизимини эгаллаш жараёнидир, яъни бунда шахснинг ижодий фаолиятининг жиҳатлари, дунёқараши ва ўзини тутиш сифатлари ташкил топади, ҳамда билиш қобилиятлари ривожланади.
Ўқитиш – бу таълим олувчиларга янги ўқув ахборотини тақдим этиш, уни ўзлаштиришни ташкиллаштиришга, кўникма ва малакаларни шакллантиришга, билиш қобилиятларини ривожлантиришга мақсадли йўналтирилган, мунтазамли ташкилий жараёндир.
Ривожлантирувчи вазифа - ўқитиш жараёнида шахснинг ақлий, ҳиссий ва иродавий ривожланиши, билишга бўлган интилишларини ва ижодий фаолликни шакллантириш ва ривожлантиришни таъминлашдан иборат бўлади.
Тарбияловчи вазифа –ўқитишни тарбиялаш принципига асосланади. Ўқитиш ва тарбиялаш жараёнлари ўзвий боғлиқликда бўлади.
Билим - ҳақиқий борлиқ умумий аксини топади. Талабалар ҳодиса, воқеа, қонуниятлар тўғрисидаги маълумотларни ўрганадилар ва бу уларнинг ютуғи бўлади.
Кўникма – эгаллаган билимлар асосида ўзгарувчан

шароитларда бирорта фаолиятни амалга ошириш қобилияти.
Малакалар – бу, кўп марта такрорлаш натижасидаги машинал (беихтиёр)ий), ҳаракатлардир.
Анъанавий тизим - ушбу тизим асосчилари Я.О. Коменский, Г. Песталоцци, И. Гербартлар таълим беришда асосий ўринни ўқитувчи фаолиятига ажратганлар.
Дастурлаштирилган таълим бериш - бу ғоя 1950 йилларда илгари сурилган. Дастурлаштирилган таълим бериш асосини, тартибга келтирилган топшириқларни намоён қилувчи, ўргатуви дастур ташкил этади. У бутун ўқитиш жараёнини бошқаради.
Ривожлантирувчи таълим - ўқитувчининг асосий вазифаси билиш мустақиллиги ва қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган, талабаларни ўқув фаолиятини ташкиллаштириш ҳисобланади.
Ўқитиш мазмуни (ўқитиш, маълумот олиш) - таълим жараёнида эгаллаши зарур бўлган, илмий билим, амалий кўникма ва малакалар тизими.
Таълим принциплари - бу педагогик жараён иштирокчиларининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятларини белгиловчи асосий қоидалар тизимидир.
Таълим бериш усули - белгиланган таълим бериш мақсадига эришиш бўйича таълим берувчи ва таълим олувчилар ўзаро фаолиятини тартибли ташкил этиш йўли.
Маъруза - давомли вақт ичида катта ҳажм бўйича монологик ўқув материални баён қилиш.
Семинар - бу таълим берувчини таълим олувчилар билан фаол суҳбатга киришишига йўналтирилган, назарий билимларни амалий фаолиятда амалга ошириш учун шароитни таъминловчи, машғулоти ўқитиш шаклидир.
Фанни ўқитиш услубиёти – таълим тизимида ушбу ўқув

<p>фанининг аҳамияти ва ўрнини белгилайди, унинг вазифаларини ва ўқитиш мазмунини аниқлайди, ушбу фан бўйича қўлланилаётган усул, шакл ва ўқитиш воситалари баёнини ўз ичига олади.</p>
<p>Концепция - умумий ғоя ёки бирор-нарсга тўғрисида тасаввур, тушунча, фикрлар тизими.</p>
<p>Таълим воситалари - ўқув материални кўргазмани тақдим этиш ва шу билан бирга ўқитиш самарадорлигини оширувчи ёрдамчи материаллар ҳисобланади.</p>
<p>Таълимнинг техник воситалари (ТТВ) - ўқув материални кўргазмани намойиш этишга, уни тизимли етказиб беришга ёрдам беради; талабаларга ўқув материални тушунишларига ва яхши эслаб қолишларига имкон беради.</p>
<p>Ёрдамчи таълим воситалари (ЁТВ) – графиклар, чизмалар, намуналар ва ҳ.к. бошқ.</p>
<p>Ўқув - услубий материаллар (ЎУМ) - ўқув материаллар, ўзлаштирилган ўқув материалларини мустаҳкамлаш учун машқлар. Булар талабаларнинг мустақил ишларини фаоллаштиришга ёрдам берадилар.</p>
<p>Графикли ташкил этувчи – фикрий жараёнларни кўргазмани тақдим этиш воситаси.</p>
<p>Таълим шакллари (форма-лотинча-ташқи кўриниш) - бу усул ўқув жараёнини мавжудлиги, унинг ички моҳияти, мантиқи ва мазмуни учун қобиқ.</p>
<p>Оммавий иш (фронтал) - барча таълим олувчилар олдида бир хил топшириқ бажариш мақсади қўйилади.</p>
<p>Жамоавий иш (коллектив) - ҳам умумий ва гуруҳлига тааллуқли бўлиши мумкин: 1) олдинда турган иш режасини ҳамкорликда муҳокама қилиш; 2) мажбуриятларни бўлиш, ҳисобот шаклини танлаш; 3) хулосаларни муҳокама қилиш</p>

<p>(тартиб билан алоҳида таълим олувчилар фикрлари тинглади ва муҳокама қилинади); 4) Маъқул хулосаларни шакллантириш (умумий келишув билан).</p>
<p>Гуруҳли - кичик гуруҳларда ҳамкорликда бир топшириқни бажариш.</p>
<p>Якка тартибли (индивидуал) - ўқув топшириғини якка ўзи бажариши.</p>
<p>Назорат – доимий текшириш ёки назорат мақсадидаги текширув. Таълим олувчиларни билим, кўникма, малакаларини (БМК) аниқлаш, ўлчаш ва баҳолашни англатади.</p>
<p>Билимни текшириш ва баҳолаш – таълим жараёнининг таркибий қисми бўлиб, у талабаларанинг ўқув фаолиятини дарсда, уйда оғзаки, ёзма ва амалий топшириқлар ёрдамида тизимли назорат йўли орқали амалга оширилади.</p>
<p>Назорат қилишли вазифаси – талабаларни таълим босқичини ҳар бир босқичида ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш ҳисобланади.</p>
<p>Жорий назорат – ўқитувчи томонидан ҳар кунги ишда, асосан дарсда жараёнида амалга оширилади.</p>
<p>Оралиқ назорат – дастур мавзуси, бўлимлари ўзлаштирилгандан сўнг амалга оширилади.</p>
<p>Яқуний назорат – ўқув йили ярмида ёки йил охирида амалга оширилади.</p>
<p>Фронтал текширув – ўзлаштириш лозим бўлган (қоида, жадвал, йилномалар) кўп бўлмаган материални текшириш учун қўлланилади.</p>
<p>Оғзаки текшириш – назоратнинг энг ўзгарувчан усули бўлиб, таълим беришнинг барча босқичларида қўлланилади ва талабалар билан алоқани осон ушлаб туришга, уларнинг фикр ва ҳаракатларини кузатишга, жавобларини тўғрилашга ёрдам</p>

беради.

Ёзма назорат (диктант, баён ёзиш, саволларга ёзма жавоб бериш ва ёзма назорат ишлари) – вақт бўйича тежамли бўлиб, бутун гуруҳни ва ҳар бир талабани таълим олишга тайёрлигини бир вақтда аниқлаш имконини бериб, топшириқни индивидуал бажариш хусусияти билан ажралиб туради, бироқ топшириқни текширишга кўп вақтни талаб қилади.

Бошқарув - бу тартибга солиш даражасини ошириш орқали ижтимоий тизим фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган, фаолиятнинг махсус шакли.

Мақсадни белгилаш - дидактик вазифаларни аниқлаш, ўқув натижаларини шакллантириш. Бу педагогик фаолиятни асосий омили бўлиб, таълим берувчи ва таълим олувчининг биргаликдаги фаолияти ҳаракатини умумий натижага йўналтиради.

Ташхис - таълим олувчилар хусусиятларини ва мавжуд моддий - техник имкониятларни ўрганиш. Бу мақсадни тўғрилаш зарурлигига ва уларга эришиш воситаларини танлашга имкон беради.

Башорат қилиш - ўрнатилган вақт ичида мавжуд шароитларда педагогик ва ўқув фаолияти натижаларини олдиндан кўриш.

Лойиҳалаш - олдиндаги фаолият моделини тузиш, мавжуд шароитларда ўрнатилган вақт мобайнида йўл ва воситаларни танлаш учун, мақсадга эришиш босқичларини ажратиш, улар учун алоҳида вазифаларни шакллантириш, ўқув ахбороти ва қайтар алоқани етказиш воситаси ва йўлларини аниқлаш.

Режалаштириш - олдиндаги ўзаро боғлиқ педагогик ва ўқув фаолиятининг режасини ишлаб чиқишдан иборат бўлади. У технологик харита кўринишида расмийлаштирилади.

VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

14. Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонуни. ЎРҚ-630-сон.
15. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. 23.09.2020 йил ЎРҚ- 637-сон.
16. Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонуни. ЎРҚ-576-сон.
17. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.2018, 19-20-бетлар.
18. Шумпетер Й. Теория экономического развития. М., Директ-Медиа, 2007. 4.
19. Санто Б. Инновация и глобальный интеллектуализм // Инновации. — 2006. — № 9; 5.
20. Фатхутдинов Р. Инновационный менеджмент. 6-е изд. – СПб.: Питер, 2008.
21. Кондратьев Н.Д. Проблемы экономической динамики. – М.: Экономика, 1989;
22. Инновации: теория, механизм, государственное регулирование: Учебн. пособие /Под ред. Ю.В. Яковца. – М.: РАГС, 2000.
23. Балабанов И. Инновационный менеджмент. Питер, 2001. 11. Канторович Л. Системный анализ и некоторые проблемы научно-технического прогресса. М.:Наука, 1986.
24. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С. А. Педагогик технология асослари: Қўлланма.– Т.:Ўқитувчи, 2004. – 104 б.
25. Ғаффаров Э. Инновация, ижтимоий инновация ва инновацион фаолият: илмий-назарий ёндашувлар. НамДУ илмий ахборотномаси. 2019 йил, 10-сон. 153-157 бетлар.
26. Кулагин А. Оценка и самооценка научной организации. Инновационная экономика. 2011 г. Ст. 54-55.

35. Педагогика профессионального образования. Под. ред. В.А.Сластенина. Москва «Академия».2004.
- 36.«Педагогика» В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шиянов. Москва. «Школьная пресса». 2004.
- 37.Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат.Тошкент.,2003.
- 38.Фаберман Б.Л,Мусина Р.Г, Жумабоева Ф.А.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари.Т-2002.
- 39.Авлиёқулов Н. Замонавий ўқитиш технологиялари.Тошкент 2001.й.
- 40.Беспалько В.П.Слагаемые педагогической технологии.М.:Педагогика 2000г.
- 41.Селевко С. Современные образовательные технологии. Москва 1998.
- 42.Хўжаев Н., Мамажонов И. Янги педагогик технологиялар. Маърузалар матни. – Т. 2007.
- 43.Хўжаев Н., Шарипов Ш. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Маърузалар матни. – Т., 2005.
44. И. Иномов, И. Мамажонов Иқтисодий тарбия назарияси. – Т.: Талаба 2007.
- 45.Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2006.
- 46.Зиёмухаммадов Б., Абдуллаева Ш. Илғор педагогик технология: назария ва амалиёт. «Маънавият асослари» дарси асосида ишланган услубий кўлланма. –Т., 2001.
- 47.Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. –Т.: Фан, 2005.
- 48.Хўжаев Н. ва бошқалар. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Фан, 2007.
- 49..Хошимова М. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Т.: ТДИУ. 2007.
- 50.Расулова Ф. Абдуллаева Р. Педагогическая этика. Т.: ТДИУ. 2007.
- 51.Маҳкамов У. Тилабова Н. Касбий маҳорат. Т.: ТДИУ. 2007.
- 52.Тожибоева Д. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Т.: Фан ва технологиялар. 2007.

53. Ёўлдошев Ж, Хасанов С. Педагогик технологиялар.Т.: —Иқтисод-молия, 2009.
54. Рахимов Б.Х ва б. Педагогик технологиялар схемаларда. Т.:Фан ва технологиялар, 2009.
55. Абдалова С, Мавлянов А. Мустақил таълимни ташкил этиш технологияси.Т.: Фан ва технологиялар, 2009.
56. Бекмурадов А.Ш, Голиш Л.В и др. Современные технологии обучения.Т.: ТГЭУ, 2009г.
57. Ходжиева К.Н. Проектная технология обучения в вузе. Т.:ТГЭУ, 2009.
58. Х.Авлиякулов, Н.Мусаева Педагогик технология (дарслик) -Т.2012
59. Ш.Шодмонова, Р.С.Эргашев Қиёсий педагогика -Т.2005.
60. А.Ч.Чориев Педагогик технология ва педагогик маҳорат
61. (маърузалар матни)- Қарши 2010.
62. Боголюбов В.И. Эволюция педагогических технологий //Школьные технологии - 2004. - № 4.-С.12
63. Саидахмедов Н.С. Педагогик амалиётда янги педагогик технологияларни қўллаш намуналари. -Т.: РТМ, 2000.-46 б.

1. Интернет сайтлари

64. www.glef.org.
65. www.newhorizons.org.
66. www.rhecherswithoutborders.org
67. www.thelearningweb.net.
68. www.inetlibrary.com.

VIII. БИТИРУВ ИШЛАРИ МАВЗУЛАРИ.

1. Шарқ тилини ўқитишда шарқона усул ва методлар
2. Шарқ тилини ўқитишда ғарбона усул ва методлар
3. Фонетикани тушунтиришдаги илғор технологиялар
4. Лексикологияни тушунтиришдаги илғор технологиялар
5. Морфологияни тушунтиришдаги илғор технологиялар
6. Грамматикани тушунтиришдаги илғор технологиялар
7. Бадиий таҳлилда илғор технологиялар
8. Ғазаллар таҳлилида илғор технологиялар
9. Эртақлар талқинида илғор технологиялар
10. Араб шеърияти таҳлилида илғор технологиялар
11. Хитой хикоялари талқинида интерактив методлар

IX. ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1- ТЕСТ

- Методика билан «педагогик технология» тушунчаларини изоҳи қайси жавобда кўрсатилган?
- А. Методика–ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар мажмуаси
- Б. Педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнининг лойиҳалаш ташкилий–педагогик муолажалар мажмуаси
- В. Педагогик технология методиканинг таркибий қисмига киради
- Г. Фақат А ва Б жавоблар тўғри
2. Педагогик технологияларни қаноатлантирадиган мезонлар нималардан иборат?
- А. Изчиллик
- Б. Бошқарувга асосланганлик
- В. Самарадорлик
- Г. Жавобларнинг барчаси тўғри

3. Анъанавий таълимда ўқувчининг бош вазифаси нималардан иборат?
- А. Ахборотни қабул қилиш, ёрдам, ахборотни қайта ишламаган ҳолда жавоб бериш
 - Б. Ўқув топшириқларини ва муаммоли ҳал этишда иштирок этиш, доимо ўз билимини бойитиш, керакли баҳони кўтиш
 - В. Ўз билимини мустаҳкамлаш мақсадида сидқидилдан меҳнат қилиш, ўз иқтидорини намоён этиш, ижодий изланиш
 - Г. Ўзини ва бошқаларини ҳурмат қилиш, ҳамкорликда ишлаш, китобхонлик билан шуғулланиш
4. Таълим жараёнини «Технологиялаш» қандай маънони билдиради?
- А. Ўқитишнинг техник воситалари ёрдамида ташкил этишни билдиради
 - Б. Таълим мақсадларига эришишда таълим жараёнини ўқитувчининг шахсий маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда универсал тарзда лойиҳаланганини билдиради
 - В. Ўқув ишлаб чиқариш таълими тушунилади
 - Г. Ўқитувчи ўқувчи билиш фаолиятининг ташкилий шакллари таълим мазмунига мос ҳолда танлашини билдиради
5. Педагогик технологияни тузилмаси акс этган қаторни топинг?
- А. Тавсифий, илмий, амалий
 - Б. Концептуал асос, таълим жараёни мазмуни, педагогик жараён
 - В. Умумпедагогик, предметли, локал
 - Г. Муаммоли ўқитиш, дастурлаштирилган, табақалаштирилган ўқитиш
6. Педагогик технологиялар устивор методлар бўйича қандай таснифланади?
- А. Табақалаштирилган, дунёвий
 - Б. Тарбияловчи, демократик
 - В. Ўйин, ўз-ўзини ривожлантирувчи таълим
 - Г. Жавобларнинг барчаси тўғри
7. 1961 йили АҚШда қандай журнал чоп этила бошланди?
- А. «Дастурли таълим» журнали
 - Б. «Илғор технологиялар»
 - В. «Янги ахборот технологиялари» журнали
 - Г. «Педагогик технология» журнали
8. Қандай таснифга кўра педагогик технологиялар: умумпедагогик, хусусий методик, локал турларига бўлинади?
- А. Қўлланиш даражасига кўра
 - Б. Фалсафий асосга кўра
 - В. Илмий концепциясига кўра
 - Г. Таркибий тузилишига кўра

9. Педагогика фанида яна қандай янгилик турларига қизиқиш уйғонганини аниқланг?

- А. Хусусий янгилик
- Б. Шартли, маҳаллий янгилик
- В. Субъектив янгилик
- Г. Ҳамма жавоблар тўғри

10. Педагогик технологиянинг аспекти акс эттирилган қаторни кўрсатинг?

- А. Умумпедагогик, хусусий, методик, локал
- Б. Тизимлилик, самаралик, бошқарувчанлик
- В. Инсонпарварлик, диалектик, методик
- Г. Илмий, тавсифий, амалий

2- ТЕСТ

1.БББ жадвали нимани ифодалайди?

- А) Биламан, Билишни хоҳлайман, Билдим
- Б) Билдим, Билар эдим, Билишни хоҳлайман
- В) Билмайман, Билмас эдим, Билиб олдим
- Г) Билишни хохламайман.
- Д) Биламан.

2. Венн диаграммаси?

- А) муаммони анализ қилишда қўлланилади
- Б) муаммони ечимини топишда қўлланилади
- В) муаммони ҳал этиш йўллари топишда қўлланилади
- Г) 2 ва 3 жиҳатларни солиштириш, таққослаш, қарама-қарши қўйиш ҳамда умумий тарзда кўрсатиш учун қўлланилади.
- Д) таҳлил ва синтез жараёнида қўлланилади.

3. “Балиқ скелети” схемаси.....

- А) муаммонинг дастлабки сабабини аниқлаш бўйича бир қатор қарашлар тизими
- Б) муаммо ҳақида умумий таасурот олиш имконини берувчи мантиқий қатор саволлар
- В) муаммонинг бутун доираси (майдони)ни ифода этиш ва унинг ечимини топишга имконият берадиган схема
- Г) 3 жиҳатларни солиштириш, таққослаш, қарама-қарши қўйиш ҳамда умумий тарзда кўрсатиш учун қўлланилади.
- Д) муҳокама қилишда қўлланилади.

4. Муаммони жамоали тарзда ҳал этишнинг усуллари ва воситалари

қайсилар?

- А) баҳс, музокаралар
- Б) ақлий ҳужум
- В) график ташкил этувчилар
- Г) муаммоли вазиятлар
- Д) барчаси тўғри

5. Педагогик технология методдан нима билан фарқ қилади?

- А) технологик характери билан
- Б) самарадорликни юқорилиги билан.
- В) узлуксизлиги билан
- Г) тизимлилиги билан
- Д) бошқарувчанлиги билан.

6. Педагогик технологияга берилган қайси таъриф тўғри ?

- А) Амалиётга жорий этилаётган педагогик тизим лойихасидир .
- Б) Дидактик масалаларни хал этиш учун зарур бўлган шарт-шароитни яратиш
- В) Ўқитишнинг техник воситалари
- Г) Аниқлаштирилган технологик лойиха асосида иш олиб бориб, ўқув жараёнини самарадорлигини кафолатлашдир
- Д) Аниқ илмий лойихалаштирилган, ўқитувчининг ютуқларига кафолат берувчи, қайта такрорлана олувчи педагогик ҳаракатлар тизимидир.

7. Педагогик тизим нима?

- А) Индивидни шахс , мутахасис сифатида шакллантирувчи, ҳаракатдаги жтимоий-педагогик ходиса /тузилма/.
- Б) Таълим - тарбия .
- В) Бўлақлардан тузилган ижтимоий бирлик .
- Г) Дарс
- Д) Жараён

8. Таълим технологияси тушунчаси нималарни ўз ичига олади ?

- А) Таълим - тарбиянинг максоди ва мазмуни.
- Б) Ўқув жараёни , лойиха , таълим технологиялари , воситалар.
- В) Таълим - тарбиянинг усул ва шакллари.
- Г) Таълимни ташкил этиш шакллари
- Д) Хамма жавоблар тўғри

9. Технологик жадвал бу -

- А) технологик жараённинг шартли тасвири, унинг алоҳида функционал элементларига бўлиниши ва улар ўртасидаги мантиқий алоқаларнинг белгиланиши.
- Б) жараённи босқичма - босқич усулда ифодалаш, бунда мақбул бўлган

- воситалар кўрсатилади (бу одатда график шаклда ифодаланади).
 В) режалаштирилган натижаларга олиб боровчи ва бажарилиши шарт бўлган тартибли амаллар тизимидир.
 Г) лойиха
 Д) барчаси тўғри.

10. Педагогик технологиялар устивор методлар бўйича қандай таснифланади?
 А. Табақалаштирилган, дунёвий
 Б. Тарбияловчи, демократик
 В. Ўйин, ўз-ўзини ривожлантирувчи таълим
 Г. Жавобларнинг барчаси тўғри

X. САВОЛ ЖАВОБЛАР

№	Саволлар	Жавоблар
1.	Назорат нима?	доимий текшириш ёки назорат мақсадидаги текширув. Таълим олувчиларни билим, кўникма, малакаларини (БМК) аниқлаш, ўлчаш ва баҳолашни англатади.
2.	Билимни текшириш ва баҳолаш	таълим жараёнининг таркибий қисми бўлиб, у талабаларанинг ўқув фаолиятини дарсда, уйда оғзаки, ёзма ва амалий топшириқлар ёрдамида тизимли назорат йўли орқали амалга оширилади.
3.	Назорат қилишли вазифаси	– талабаларни таълим босқичини ҳар бир босқичида ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш ҳисобланади.

4.	Педагогик технолигиянинг таърифи?	Аниқ илмий лойиҳалаштирилган, ўқитувчининг ютуқларига кафолат берувчи, қайта такрорлана олувчи педагогик ҳаракатлар тизимидир.
5.	Венн диаграммасидан нима мақсадда фойдаланилади?	2 ва 3 жиҳатларни солиштириш, таққослаш, қарама-қарши қўйиш ҳамда умумий тарзда кўрсатиш учун қўлланилади.
6.	БББ жадвали нимани ифодалайди?	Биламан, билишни ҳохлайман, билдим
7.	Фронтал текширув	ўзлаштириш лозим бўлган (қоида, жадвал, йилномалар) кўп бўлмаган материални текшириш учун қўлланилади.
8.	Оғзаки текшириш ?	– назоратнинг энг ўзгарувчан усули бўлиб, таълим беришнинг барча босқичларида қўлланилади ва талабалар билан алоқани осон ушлаб туришга, уларнинг фикр ва ҳаракатларини кузатишга, жавобларини тўғрилашга ёрдам беради.
9	Ёзма назорат	(диктант, баён ёзиш, саволларга ёзма жавоб бериш ва ёзма назорат ишлари) – вақт бўйича тежамли бўлиб, бутун гуруҳни ва ҳар бир талабани таълим олишга тайёрлигини бир вақтда аниқлаш имконини бериб, топшириқни индивидуал бажариш хусусияти билан ажралиб туради, бироқ

		топширикни текширишга кўп вақтни талаб қилади.
10	Бошқарув нима?	бу тартибга солиш даражасини ошириш орқали ижтимоий тизим фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган, фаолиятнинг махсус шакли.
11	Мақсадни белгилашнинг моҳияти?	дидактик вазифаларни аниқлаш, ўқув натижаларини шакллантириш. Бу педагогик фаолиятни асосий омили бўлиб, таълим берувчи ва таълим олувчининг биргаликдаги фаолияти ҳаракатини умумий натижага йўналтиради.

XI. ИНТЕРНЕТ МАНБАЛАРИ

Шарқшунослик бўйича электрон таълим ресурслари:

1. <http://orient.rsl.ru/ru/magazine/links/2003/1>- Востоковедческие центры и библиотеки
2. <https://www.hse.ru/ba/oriental/webinar> -вебинары по востоковедению
3. <http://www.orientalstudies.ru/rus/> - Институт восточных рукописей (Санкт-Петербург)
4. <http://www.ivran.ru> – Институт востоковедения РАН (Москва)
5. <http://www.aalib.izum.si/start.asp?wci=detail&lib=67> - сайт библиотеки археологии и ориенталистики университета Венеции.
6. <http://www.rootsweb.com/~bgrwqw/quic.html> - Востоковедческий отдел Болгарской Национальной библиотеки.
7. <http://www.orient.uw.edu.pl> - Сайт факультета восточных языков университета Варшавы.
8. <http://www.owz.uni-halle.de> - Востоковедческий центр в Галле (Германия).
9. <http://www.bl.uk/collections/orientalcollections.html> - Британская ориенталистская библиотека. Неплохой электронный каталог.

10. <http://www.soas.ac.uk/library> - Библиотека старейшей в Европе Школы восточных и азиатских исследований (Лондон).
11. <http://www.easl.org/beasl/be7.html> - Европейская ассоциация синологических библиотек. С линками на синологические библиотеки разных стран.
12. http://www.jnanadoota.org/html/e_research/overview.htm - сайт с электронным каталогом создается ориенталистской библиотекой индийского города Майсур.
13. <http://www.plaza14.mbn.or.jp/~orient/ebuddism.html> - Большое собрание ссылок на материалы по буддизму создали японцы.
14. <http://www.infoshare1.princeton.edu:2003/collections/gest.html> - Восточная библиотека Принстонского университета (США).
15. <http://www.lib.berkeley.edu/EAL> - Восточноазиатская библиотека Калифорнийского университета в Беркли.
16. <http://www.hawaii.edu/asiaref> - Азиатская коллекция Гавайского университета (Гонолулу).
17. <http://www.library.uiuc.edu/ask> - Азиатская библиотека штата Иллинойс.
<http://www.library.wustl.edu/subjects/eastasian/china.html> - Виртуальная библиотека по Китаю и Тайваню на сайте Вашингтонского университета.
18. <http://www.nla.gov.au/asian> - Азиатская коллекция Национальной библиотеки Австралии.